Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ● № 249 (7990). ● 31 декабрь, 1982 йил ● ЖУМА ● Баҳоси 3 тийин.

СОВЕТ РАҲБАРЛАРИ Р. КАСТРО БИЛАН УЧРАШДИЛАР

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю. В. Андропов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Мудофаа министри Д. Ф. Устинов ва КПСС Марказий Комитети секретари К. В. Русаков 29 декабрь куни Куба Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитетнинг иккинчи секретари, Куба Республикаси Давлат Кенгаши ва Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, революцион қуролли кучлар министри Рауль Кастро Рус билан учрашдилар.

Учрашув чоғида Совет-Куба ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари юзасидан, шунингдек халқаро аҳволнинг баъзи актуал проблемалари юзасидан фикрлашиб олинди.

Иккала томон Совет-Куба дўстлиги ва ҳар томонлама ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришга интилаётганлиги таъкидланди. Совет томони Америка империализмининг агрессив кирдикорларига қарши турган Куба билан доимо бирдам эканлигини қайд этиб ўтди. Учрашув қатнашчилари хатарли қуролланиш пойгасига чек қўйиш, халқларнинг мустаҳкам тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун ҳамма ишни қилишга азму қарор берганликларини изҳор этдилар.

Суҳбат сидқидилдан ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятда ўтди.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси В. В. Шарапов ҳозир бўлди.

(ТАСС).

Ю. В. АНДРОПОВНИНГ АМЕРИКАЛИК СИЁСИЙ ОБЗОРЧИ Ж. КИНГСБЕРИ-СМИТ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАРИ

САВОЛ. Янги, 1983 йил муносабати билан Сиз Америка халқига қандай истаклар билдиришни хоҳлайсиз?

ЖАВОБ. Аввало яқинлашиб келаётган янги, 1983 йил билан табриклашни ҳамда ҳар бир америкаликнинг онласига сидқидилдан омонэсонлик ва бахт-саодат тилашни ҳоҳлайман. Бунинг маъноси шуки, биринчи галда барча америкаликларга тинч меҳнат ва бошқа халқлар билан самарали ҳамкорлик асосида тинчлик, мустаҳкам тинчлик ва равнақ тилайман. Ҳозир совет кишилари билан америкаликларнинг битта умумий душмани бор, у ҳам бўлса уруш хавфи ва шу хавфни кучайтираётган ҳамма нарсалардир. Совет Иттифоқи тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашни ҳоҳлайди ҳамда бунинг учун ҳозирги халқаро сиёсатда кучайиб бораётган ядро уруши хавфини орқага суришдан, ядровий қуролланиш пойгасини контроллик остига олишдан, уни тўхтатишдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқлигини жуда яхши англаган ҳолда, ўзига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилмоқда. Америка ҳам қуролланиш пойгасига қамчи босишга ва урушқоқлик жазавасини кучайтиришга эмас, балки халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлашга улуғ мамлакат сифатида муносиб ҳисса қўшишини тилайман.

САВОЛ. 1983 йилда бутун дунёда тинчлик ва Совет-Америка муносабатларини яхшилаш манфаатлари йўлида СССР билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик соҳасида, Сизнинг фикрингизча, қандай энг муҳим тадбирлар кўрилиши мумкин бўлур эди?

ЖАВОБ. Иккала мамлакатимиз ўзлари учун ҳам, шунингдек бошқа мамлакатлар ва халқлар учун ҳам фойдали бўлган кўп ишларни биргаликда қилиши, масалан, ўзаларининг Марказий Европадаги қўшинлари ва қурол-яроғларини ўзаро қисқартиришлари, энг хатарли уруш можаролари манбаларини, масалан, Яқин Шарқдаги ва бошқа жойлардаги мана шундай манбани тугатишда баҳамжиҳат ҳаракат қилишлари мумкин бўлур эди, деб ўйлайман.

Аммо стратегик қуролларни чеклаш ва қисқартириш ҳамда Европадаги ўртача олисликка учириладиган ядро қуролини чеклаш ва қисқартириш юзасидан ўтказилаётган музокараларда тенглик ва бобабаравар хавфсизлик принципига мос бўлиб тушадиган одилона ва ўзаро мақбул аҳдномаларга эришиш, мана шундай аҳдномаларга эришилгандан сўнг уларни рўёбга чиқариш юзасидан амалий чоралар кўриш ҳам энг муҳим тадбирдир, албатта.

САВОЛ. Давом этаётган музокаралар натижасида ядро қуроллари масалалари хусусида СССР ва АҚШ ҳукуматларининг позицияларидаги ихтилофлар ўзаро келишилган битим ишлаб чиқишга шароит яратиш учун етарли даражада камайиши мумкин, деб ҳисоблайсизми?

ЖАВОБ. Ҳа, албатта, мумкин деб ҳисоблайман. Объектив жиҳатдан бунинг учун тўла имконият бор, чунки муҳокама этилаётган масалаларни на у, на бу томонга зарар етказмасдан ҳал этишнинг ва томонларнинг қурол-яроғларини — яъни тинчлик ва хавфсизлик учун жуда катта фойда келтирадиган даражада тубдан қисқартиришга олиб борадиган йўли мавжуд. Совет Иттифоқининг конкрет таклифлари, шу жумладан биз энг сўнгги вақтда ўртага қўйган таклифлар ҳам айни шу мақсадга қаратилган. Бу таклифларнинг асосий моҳиятини эслатиб ўтай. Унинг моҳияти жуда содда ва мантиқийдир. Стратегик қуроллар соҳасида биз ҳозирнинг ўзидаёқ иккала томоннинг бу қуролларни келгусида кўпайтиришни тўхтатиб қўйишни, яъни ҳозирги даражасидан оширмасликни, сўнгра мавжуд қуролларни ҳар икки томондан тахминан 25 процент қисқартириб, уларни баббаравар даражага келтиришни таклиф қилаяпмиз. Сўнгра яна олға бориш — қурол-яроғларни янада қисқартириш мумкин бўлур эди.

Ядро қуроли соҳасида биз Европа зонасида ўрта вариантларни таклиф этаяпмиз. Ё у ерда бу қуролни — на ўртача олисликка учириладиган, на тактик қурол СССР томонида ҳам, НАТО давлатлари томонида ҳам бўлмасин дейямиз. Бу, таъбир жоиз бўлса, иккала томон учун «мутлақ нуль» бўлур эди. Ё бўлмаса, иккала томон ўртача олисликка учириладиган ўз қуролларини (ядро қуролини ташийдиган ракеталари, самолётларни) учдан икки қисмидан кўпроқ миқдорда қисқартирсин дейямиз. Бунда ўртача олисликка учириладиган ва бир-бирига қарама-қарши бўлиб турган Совет ва Америка ракеталари бу ерда умуман қолдирилмаган бўлур эди. СССР эса ўз ихтиёрида Англия билан Франция ихтиёридаги миқдорда мана шундай ракеталарнигина сақлаб қолган бўлур эди. Самолётлар соҳасида ҳам биз ҳозиргига нисбатан анча пастроқ даражада тўла тенглик бўлишининг тарафдоримиз. Хуллас, биз Европа зонасида НАТО мамлакатлари ихтиёрида бўлганидан кўра битта ракетани ҳам, битта самолётни ҳам ортиқча сақлашни хоҳламаймиз.

Қўшма Штатлар мана шундай одилона, амалий позицияга жавобан ўз томонидан ҳолис ният намойиш этади, деб умид қилгимиз келади. Шундай қилиш музокараларнинг муваффақиятини таъминлашга ёрдам берган бўлур эди. Бу муваффақият эса 1983 йилни бутун инсоният учун энг яхши йилга айлантириб кўйган бўлур эди, бунга менинг ишончим комил.

САВОЛ. Собиқ президент Ричард Никсон Сиз билан Қўшма Штатлар президенти ўртасида учрашув ўтказишга чақирди. Сиз бу ҳақда қандай фикрдасиз?

ЖАВОБ. Совет раҳбарлари ҳамиша олий даражадаги учрашувларни давлатлар ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришнинг гоят таъсирчан методларидан бири деб ҳисоблаб келганлар. Биз ҳозир ҳам шу фикрга амал қилаяпмиз. Бироқ, бундай учрашувнинг муваффақиятли бўлиб чиқиши учун унга яхши тайёргарлик кўрилиши зарур, албатта. Ҳар ҳолда биз Совет — Америка муносабатлари яхшиланишининг тарафдоримиз, мамлакатларимиз ўртасида тузилган ўзаро манфаатли шартномалар ва битимлар амалга оширилишининг тарафдоримиз, шу боисдан биз мазкур мақсадга олиб борадиган ҳамма ишларни табриклаймиз.

«Госкомсельхозтехника»нинг Ўрта Чирчиқ район устахонасида машина ва механизмлар ремонти жадал суръатларда олиб борилмоқда. Абдусамат Ўролов ремонтчи-слесарлар ўртасидаги социалистик мусобақада пешқадамлик қилаётир. У кунлик топшириқни 150 процентга етказиб адо этмоқда. Суратда: тажрибали ремонтчи-слесарь А. Ўролов иш устида.

В. Сироткин фотоси.

Москваликлар ташаббусига қўшиламиз

Москва шаҳар халқ хўжалиги турли тармоқларининг коллективларининг хўжасизликка, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини бузиш ҳолларига қарши курашни кучайтириш, меҳнатнинг ташкил этилишини яхшилаш тўғрисидаги ташаббуси Ватанимизнинг турли бурчакларида кенг қўллаб-қувватланмоқда. «Шараф ва шуҳрат ҳам меҳнатга яраша» шиори остидаги бу ташаббус барча резервлардан фойдаланиш, ишлаб чиқаришда ўрнак бўлгудек интизом ўрнатиш замкрида юқори меҳнат кўрсаткичларига эришишни кўзда тутади. Бугунги кунда областимизнинг қатор ишлаб чиқариш корхоналари коллективлари бу ташаббусга бажонидил қўшилиш нстагида эканликларини билдирмоқдалар.

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ОБРЎ КЕЛТИРАДИ

ЧОРВАДОР касбини танлаганимга 25 йил бўлди. Чорак асрдан бери шу зардоб соҳани ривожлантиришга озми-кўпми ҳисса қўшиб келаяпман. Меҳнатимга яраша обрў-эътибор қозондим. Эндиликда илғор чорвадорлар қаторида мени ҳам тилга оладиган бўлишди.

Менимча, ҳалол меҳнат қилган киши, ўзига ишониб топширилган ишга виждонан муносабатда бўлиб, доимо масъулият ҳис этадиган киши эл назаридан четда қолмайди. Айниқса, чорвачилик соҳасида ишлаётган ҳар бир киши меҳнат интизомига қатъий риоя қилиши, ўзига нисбатан талабчан бўлиши керак. Чунки, молларни парвариш қилишда бирор иш жараёни бузилса, бу албатта маҳсулот етиштиришга салбий таъсир этади.

Шу ўринда москваликларнинг «Шараф ва шуҳрат ҳам меҳнатга яраша!» шиори остида бошлаган ажойиб ташаббуслари қимматини алоҳида таъкидламоқчиман. Ҳақиқатан ҳам киши ўз бахтини фақат ҳалол меҳнат орқали топади, шон-шуҳрат қозонади. Москваликларнинг ташаббуси пировард натижада ишлаб чиқариш кўрсаткичларига катта ижобий таъсир кўрсатадиган ажойиб ватанпарварлик ҳаракатидир.

А. САЛОВА,
Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхозининг сут соғувчиси.

ИНТИЗОМ БЎЛСА, ЮТУҚ ҲАМ БЎЛАДИ

МОСКВАЛИКЛАРНИНГ янги ватанпарварлик ташаббусларини бизнинг колхозимиз аъзолари ҳам катта қизиқиш билан кутиб олиб, тўла қўллаб-қувватламоқдалар. Москва халқ хўжалиги барча тармоқларининг илғор коллективлари ҳақиқатан ҳам жуда муҳим масалани ўртага қўйганлар. Хўжасизликка қарши, ишлаб чиқариш ва давлат интизомини бузишларга қарши тинимсиз кураш олиб бориш, меҳнатни оқилона ташкил этиш, ҳар бир коллективнинг донмий иш фаолиятида асосий ўринни эгаллаши керак. Чунки, меҳнат интизоми мустаҳкам бўлган ерда ютуқлар салмоқли бўлаверади.

Бизнинг колхозимизда фақат пахтачилик соҳасидагина эмас, деҳқончиликнинг бошқа соҳаларида ҳам мустаҳкам меҳнат интизоми қарор топган.

Масалан, бу йил пахтакорларимиз 760 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 43,6 центнердан хирмон кўтардилар. Қабул пунктларига топширилган ҳосилнинг 90 процентдан кўпроғи машиналарда терилди. Бу йнғимтерим пайтидаги зўр уюшқоқлик, терим графиги ва меҳнат интизомига қатъий амал қилиш самарасидир.

С. ХУДОИБЕРГАНОВ,
Галаба районидаги «Ленинград» колхози механизатори.

СЎЗ — МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРГАНЛАРГА

СЎЗИМИЗНИНГ УСТИДАН ЧИҚДИК

✦ ДЕҲҚОН эл олдида берган ваъдасини бажарса ўз касбидан янада гурурланиб кетади. Йил бошида СССР ташкил этилганлигининг шонли 60 йиллик юбилейи шарафига бошланган Бутуниттифоқ мусобақасига қўшилиб, ҳар гектар ердан 75 центнердан шоли йиғиштириб олиш мажбуриятини қабул қилган эдик. Бригадамизнинг ҳар бир аъзоси ўз сўзининг устидан чиқиш учун фидокорона меҳнат қилди. Натижада юксак марра эгалланди. Ҳар гектар ердан мажбуриятга қўшимча яна бир центнердан «қирмизи дон» йиғиштириб олдик. Эл дастурхонига 756 тонна сабзавот ва 228 тонна картошка топшириб қилдик.

Бундай юқори кўрсаткичга биз асосан ҳар қариқ ердан самарали фойдаланиш, унумдорлигини ошириш ҳисобига эришмоқдамиз. Ана шу йўлда бригадамизнинг ҳар бир аъзоси ўзига топширилган вазифани вақтида ва юксак сифатли бажармоқда. Пил якунланди, кўзланган марра эгалланди. Лекин деҳқон ҳеч вақт хотиржамликка берилмайди, яна изланади. Келгуси йилда янада юксакроқ маррани эгаллаш учун ҳаракат қилади.

Айни кунларда бригадамиз миришкорлари ана шу азгуният йўлида тер тўкишмоқда.

З. ЮСУПОВ,
Калинин районидаги «Партия XX съезди» колхозининг бригада бошлиғи.

ИЗЛАНГАН ЮТАДИ

✦ ЮКСАК мақсад йўлида изланган кишн доимо муваффақият қозонади. Бунн биз ўз тажрибамизда кўп кўрдик. Фан-техника ютуқларини қўллаш, ишни илғор тажрибалар асосида ташкил қилиш туфайли ҳар йили сабзавот ва картошка экинларидан мўл ҳосил олиб келяпмиз. Бу йил ҳам анъанамизга содиқ қолдик: Ҳар гектар ердан 375 центнердан ошириб сабзавот 220 центнердан картошка йиғиштириб олдик. Эл дастурхонига 756 тонна сабзавот ва 228 тонна картошка топшириб қилдик.

Бундай юқори кўрсаткичга биз асосан ҳар қариқ ердан самарали фойдаланиш, унумдорлигини ошириш ҳисобига эришмоқдамиз. Ана шу йўлда бригадамизнинг ҳар бир аъзоси ўзига топширилган вазифани вақтида ва юксак сифатли бажармоқда. Пил якунланди, кўзланган марра эгалланди. Лекин деҳқон ҳеч вақт хотиржамликка берилмайди, яна изланади. Келгуси йилда янада юксакроқ маррани эгаллаш учун ҳаракат қилади.

Айни кунларда бригадамиз миришкорлари ана шу азгуният йўлида тер тўкишмоқда.

Б. НОРМАЕВ,
Бекобод районидаги «Октябрь 46 йиллиги» совхозининг шоликорлик бригадаси бошлиғи.

* * *

ИЗЛАНГАН ЮТАДИ

✦ ЮКСАК мақсад йўлида изланган кишн доимо муваффақият қозонади. Бунн биз ўз тажрибамизда кўп кўрдик. Фан-техника ютуқларини қўллаш, ишни илғор тажрибалар асосида ташкил қилиш туфайли ҳар йили сабзавот ва картошка экинларидан мўл ҳосил олиб келяпмиз. Бу йил ҳам анъанамизга содиқ қолдик: Ҳар гектар ердан 375 центнердан ошириб сабзавот 220 центнердан картошка йиғиштириб олдик. Эл дастурхонига 756 тонна сабзавот ва 228 тонна картошка топшириб қилдик.

Бундай юқори кўрсаткичга биз асосан ҳар қариқ ердан самарали фойдаланиш, унумдорлигини ошириш ҳисобига эришмоқдамиз. Ана шу йўлда бригадамизнинг ҳар бир аъзоси ўзига топширилган вазифани вақтида ва юксак сифатли бажармоқда. Пил якунланди, кўзланган марра эгалланди. Лекин деҳқон ҳеч вақт хотиржамликка берилмайди, яна изланади. Келгуси йилда янада юксакроқ маррани эгаллаш учун ҳаракат қилади.

Айни кунларда бригадамиз миришкорлари ана шу азгуният йўлида тер тўкишмоқда.

З. ЮСУПОВ,
Калинин районидаги «Партия XX съезди» колхозининг бригада бошлиғи.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: КОММУНИСТ ШАРАФИ ВА ОБРЎСИ

РУС ОПАМИЗ

Тошкент областида уни кўпчилик танийди.

— Албатта, Мария Леонтьевна Пугачёва колхозида бўлинглар, — деб маслаҳат берди область партия комитетининг биринчи секретари М. Мусахонов, — ажойиб аёл. Дилкаш, билимдон раҳбар. Бизда уни Мария опа деб аташади. Опа дегани русча катта эгачи, демакдир. Қолаверса одамлар билан гаплашиб, эшитиб кўринглар. Ўзбекистонда бу рус аёли ҳақида қандай ҳурмат ва меҳрибонлик билан сўзлайдилар.

Маслаҳатга амал қилдик. Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхозининг раисасини яхши биладиганлар билан учрашдик. Қуйидаги материал шу тариқа туғилди.

«ТИНЧЛИК БЕРМАЙДИГАН ОДАМ». Оржоникидзе район партия комитети биринчи секретари, камган, синовчан кўзли, зуваласи пишиқ С. Сайдалиев таништирди:

— Нимадан бошлашни билмайман. Мария Леонтьевна ҳақида туну-кун гапириш мумкин. Мен бу районда янгимай, илгари пахтачилик районида эдим. Бу ердаги хўжаликлар гўшт-сут маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган. Пугачёвасиз нима қилардим, ҳозирга тасаввур қилолмайман. Ҳамма ишда у биринчи маслаҳатгўй.

Тўғриси, дастлаб алоқаларимиз кўнгилдагидек бўлмади. Тўғри сўз, принципиал Пугачёва ҳеч кимнинг амалига қарамас, пачакилашиб ўтирмас, ҳақиқатни чўрткесий қўяқолларди. Баъзилар, шу жумладан, райкомнинг айрим ходимлари ҳам ҳафа бўла бошлашди: у жуда баландан келади, дегандай. Янги киши сифатида менга маслаҳат беришди: асаб бузиб ўтиришнинг ҳожати йўқ, у тинчлик бермайдиган одам, хизмат кўрсатган аёл, энди уни пенсияга кузатиб юбориш ҳам мумкин, вақти соати ҳам келди, дейишди. Мен эса Пугачёва ҳақида жуда кўп эшитган эдим, чунки у менинг қадрдон Бўстонлик районимда узоқ йиллар ишлаганди. «Ҳа, тўғри, — ичимда ўйлардим. — Пугачёва — тинчлик бермайдиган одам. Тепса-тебранмас, бировларнинг соясида, кенг елкалар орқасида ишламай юрадиган одамларга тинчлик бермайдиган одам. Бизга эса, чинакам сафарбарликда, интизомни мустаҳкамлайдиган, ишларни лозим ўзанга соладиган бўлсак, опага ўхшаган одамлар керак».

Маслаҳатгўйларга шундай дедим: «Ўз раҳбарининг тақдирини коллектив ҳал қилсин». Мажлис чақирилди. Тўс-тўполонни кўрсангиз, ўшанда! Колхоз аъзолари тоғ бўлиб туриб олишди. «Э, — дедим «холис маслаҳатчиларга», — бошқа томонга эгилсиз, биродарлар». Пугачёвага чуқурроқ разм солсам — баҳоси йўқ экан! Биласизми, шундай одамлар бўладики, улар ўзининг катта ғайрати, ғоят виждонлилиги билан сизни лол қолдиради. Улар билан ёнма-ён шунчаки ишлаш мутлақо мумкин эмас. Мария опа ана шундайлардан.

РАЙСИНИНГ ТАНБЕҲИ. Ш. Султонов «Октябрь» колхозига том маънода бир ҳафтаси кам бир йиллик раис бўлиб, эндигина сайловдан ўтган эди. Бунгача у район халқ контроли комитетини бошқарди, қишлоқ хўжалиги мутахассиси, раҳбарлик ишида тажрибаси бўлса ҳам, лекин ҳеч қачон колхозни бошқармаган эди.

— Албатта, дастлаб осон бўлмади, — деб ҳикоя қилади у. — Тўғриси, бироз чўчидим ҳам: эплай оларманкан, деб. Пугачёва буни сезибди чоғи. Дам олишда бўлишига қарамай, бир неча кундан кейинок барвақт биз томонга келибди. Яна денг мендан олдин келиб, фермаларни, далаларни айланибди. Сўнгра кун бўйи у билан экономикамизни таҳлил қилдик, хўжаликни кўтариш учун биринчи навбатда нималар қилиш кераклигини ўйладик. Ўшанда Мария опа менга биринчи танбеҳни берди. У ишга кеч келганлигим учун койиди. «Раис, — уқтирди Пугачёва, — колхозда ишлар яхши кетсин деса, буни истаса ҳамиша хўроз ўтишидан олдин уйғониш керак».

ТАРЖИМАИ ҲОЛ САТРЛАРИ. Шу ерга келиб Пугачёва таржимаи ҳоли билан танишиш учун кичик чекиниш қилсак жоиз бўлур. Тақдир ёш қизча Марияни Саратов остоналаридан Ўзбекистонга олиб келди. Ўн тўрт яшарлигидан «Каузни» совхозида ишлай бошлади. Бир йилдан сўнг комсомоллар уни ўзларига етакчи қилишди. Ўн саккиз ёшида ишчилар комитетининг раиси бўлди.

Кундузи ишларди, кечқурунлари мактабга чопарди. Ўрта маълумот шаҳодатномасидан кейин агрономлик дипломини олди. Демоқчимизки, унга «Қибрай» совхозини ишончб топширишганда ботмоннинг фарқига борарди. Республикадаги энг катта, йигирма беш минг гектар ерга ёйилган улкан «Бўстонлик» совхозига директор бўлгач, чинакамига ишга шўнғиди. Маълумки, Ўзбекистон деҳконлари ҳамиша сувга танқислик сезадилар. Оби-ҳаёт манбаини кўпайтириш учун Чорвок сув омборини қуришга қарор қилинди. Аммо, у битгач совхоз ерларининг бир қисми сув остида қолиб кетди. Пугачёва майдонлар торайишига чидай олмади. — Тоғ ён бағирларига дарахтлар ва токлар ўтказа бошлади.

Катта қишлик туфайли трактор у ерларда ишлай олмасди, ҳаммаси қўлда бажариларди. Сўкмоқлар бўйлаб флягаларда суғориш учун сув ташиларди. Тасаввур қиляпсизми, ҳар йили икки юз эллик гектаргача боғ ва узумзорлар барпо қилинса, канчалик кўп меҳнат сарфланган.

Эндигина бу хўжалик унинг раҳбарлигида пешқадам совхозлардан бирига айланаётганда, Пугачёвага янги ишни ишониб топширишди. Шундок Тошкентнинг биқинидаги Оржоникидзе райони қишлоқ хўжалик бошқармасига бошлиқ қилиб тайинлашди. Худди ўша кезларда область партия комитети катор пахта экувчи хўжаликларни сут, гўшт, сабзавот ва мева етиштиришга ихтисослаш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Қайта қуриш осон кўчмасди. Бир томондан бу тушунарли эди: одамлар азалдан пахта етиштириб, унинг ҳадисини олиб қолишганди. Энди мутахассисларни қайта ўргатиш, теплицалар, чорвачилик фермалари қуриш, боғ ва токзорлар барпо этиш, яъни кўпдан кўп муаммоларни ҳал қилиш талаб қилинарди. Район партия комитети, қишлоқ хўжалик бошқармаси буларнинг ўддасидан чиқишарди. Мария тонг сахардан қош қорайгунча хўжаликма хўжалик юрарди, ўргатарди, маслаҳат берарди, ёрдамлашарди, сусткашлардан қаттиқ талаб қиларди.

Янги йўналиш қийин кўчаётган хўжаликлар орасида, айниқса, «Маданият» колхози ажралиб турарди. У ерда деярли ҳар йили раис ўзгараётган бўлса ҳам, хўжаликнинг илгари силжитишга муваффақ бўлинмасди. Аммо Пугачёва «Маданият»ни бошқара бошлагач, бунинг уддасидан чиқди.

ОҚСОҚОЛЛАРГА ОШ ДАМЛАБ. — Бизларга келгач Мария опа ишни мендан бошлади денг, — деб эслайди оқсоқоллар совети ва колхоз ҳосилот советининг раиси Г. Ағзамов, — қариялларга ош дамлашдан бошлади. Колхозда ишчи кучи етишмас эди. Енгинамиздан Тошкент, ҳамма шаҳарга кетиб қоларди. Баъзан уларни тўхтатиб қоладиган куч йўқдай туюларди. Мария опа чолларни тўплади. Уларга ош дамлаб, илтимос билан мурожаат қилди:

— Доно одамлар, албатта, сизлар ўз ҳаётингиз давомида кўп нарсаларнинг гувоҳи бўлгансиз. Лекин ҳосилдор ерларнинг бўш ётганлигини, ноз-неъматларнинг увол бўлаётганлигини кўрганмисиз? Бундай ҳолат билан келиша оласизми? Мен келиша олмайман, юрагим ёниб кетяпти. Менимча сизларда ҳам шундай. Келинглар, кўпласак ишга тутинайлик. Наҳотки, колхозни кўтара олмасак?

Оқсоқоллар буғи чиқиб турган, ҳидли палов четга суриб қўйишди. Ош ўтмиди. Мария опа муаммо қўйган эди. Яна, қандай денг! Бироқ донолар шунинг учун ҳам доноки, ечими йўқ тилсимотларга ҳам чора топишади. Оқсоқоллар шундай қарор қилишди: имкониятн борлар ўзига яраша иш танлайди, имконияти йўқлар бошқа ерга ўрнашган ўғиллари, қизлари, келинлари ва куёвларини колхозда ишлашга кўндиради, «Маданият»га қайтаради.

Менинг ўзим гарчанд пенсияда бўлсам ҳам, куч-қувватим бор бўлсаям, уйда ишсиз ўтирардим. Шунинг учун чақириққа биринчи бўлиб лаббай дедим. Пугачёва ўн иккинчи бригадага бошлиқ қилиб қўйди. Эндиликда колхозда битта узумчилик ва иккита богдорчилик бригадалари бутунлай ветеранлардан иборатдир.

Ҳозирга келиб колхозимизда ёшлар ҳам кўпайиб кетди. Мен билан ёнма-ён, масалан, беш ўғлим, уч қизим ишламоқда. Пугачёва катта қурилиш ишларини бошлаб юборди. Қишлоққа водопровод, газ келди. Уйлар шаҳарлардагидан қолишмайди. Чорвадорлар, механизаторлар учун яратилган қулайликлар ҳам чакки эмас. Энг қийин ишлар механизациялаштирилди. Чунончи, картошка етиштириш бошдан оёқ қўл кучисиз амалга оширилпти.

Пугачёванинг яна бир фазилатини таъкидламоқчиман. У тавакқал қилишдан қўрқмайди. Янги илғор усулларни дадил жорий этади. Кўпчилик хўжаликларда молларни боқишнинг Львов усули ҳақида эндигина гап-сўз тарқалганда, биз эса уни амалга ошириб бўлган эдик. Емхашак етиштиришни ҳам янгича ташкил қилдик. Зарур техника билан таъминланган махсус бригада бу иш билан шуғулланади. Пугачёва меҳнатни ташкил қилиш ва ҳақ тўлашга кўп эътибор беради. У шундай дейишдан чарчамайди: «Яхши ишчи, ҳалол инсон яхши маош олиши керак».

ҲАММАБОП ҚОНУН. «Маданият» сўзининг ўзбекчага таржимаси маълум. Бу ном ўзини тўлиқ оқламоқда. Бу ерда ичкиликбозлик ва маданиятсизлик, зарарли қолдиқлар ва урф-одатларга қарши чинакам кураш олиб борилди. Икки беш йилликдирки, колхозда ҳаммабоп қонун амал қилмоқда.

— Унинг ташаббускори яна Мария опанинг ўзи бўлди, — дейди бригадир Н. Юсупов, — жуда кўплаб оилалар бу савоб иш учун унга катта раҳматлар айтмоқда. Ахир, арақ қанчадан қанча ҳаёли одамларни ҳалокатга дучор қиляпти! Ўзим ҳам жар ёқасида эдим. Пугачёва кўмаги туфайли қайтдим.

Қандайдир сезилмаган ҳолда қадаҳга ишкивоз бўлиб қолдим. Оқибатда оилада машмашалар бошланди. Хотиним талоқ талаб қилди. Бир маҳал Мария опа менга ўз машинасини юборибди. «Норинбой, опанинг сенда иши бор экан», — деди шофёр.

Унинг менда қандай иши бўлиши мумкин, деб ўйлардим? Олдига бордим. Бирга узоқ суҳбатлашдик. Уялтирди, эркаклик шаънимни ўртага солди. Ўйлашга мажбур қилди. Уйга бошқача бўлиб қайтдим. Бир неча кун чорраҳада тургандай бўлдим. Ўзимни қўлга олдим, қадаҳнинг қулогини ушламадим. Энди ҳамқишлоқларим ҳурматини қозонib, илғор бригадалардан бирини бошқаряпман.

Ҳаммабоп қонун ҳамқишлоқларим дилига ёқиб тушди. Бунинг учун колхозчилар умумий мажлисида ҳаммага овоз бердн. Баъзан мендан сўраб қолишади: «Тўйлар ичимликсиз қандай ўтяпти?». «Яхши ўтяпти — деб жавоб бераман, — ичимликсиз бўлса ҳам жуда қувончли ўтяпти». Ана шундай тўйлардан бири оқсоқолимиз — бригадир Ғулом Ағзамов бир йўла икки ўғли — Баҳодир ва Одилни уйлантирганда бўлиб ўтди. Столларда турли-туман шарбатлар бўлди. Шодиёнанинг тепасида Мария опанинг ўзлари турдилар.

Бизларнинг алкоголли ичимликларсиз ўтаётган қувноқ тўйларимиз шуҳрати колхозимиз чегарасидан ташқарига ҳам ёйилди. Қўшни қишлоқ ва районларда бизга эргашадиганлар кўпайиб қолди.

ИЖРОЧИЛИК ДАРСИ. Пугачёванинг ўзига ўхшаган ғайратли, мақсад сари интилувчан раҳбар шогирдларн анчагина. «Правда» колхозининг раиси Х. Қуранбоев ўшалардинг биридир.

— Мария Леонтевна мактабидан ўтганман, ниманки яхшиликка эришсам, ҳаммасини Пугачёвадан деб биламан, — дейди ҳаяжонланиб Ходимат Шариповнч. — дастлаб ўн йилликни битирганимдаёқ «Қибрай» совхозида унинг қўл остида ишлай бошлаган эдим. Мария опа институтда таҳсилни давом эттиришга ундади. Агроном-лик дипломи билан колхозга қайтдим, кейинчалик у мени қишлоқ хўжалиги бошқармасига бош мутахассис лавозимига таклиф қилди.

Пугачёва билан ишлаш ҳам осон, ҳам мушкул. Ишда аниқлик, тезкорлик, кенг қамровлик ва маданият талаб қилади. Ҳамиша қаттиқ сўрайди. Белгиланган муддатда бирон бир масалани ҳал қилмачи. Кўрадиганингни кўрсатади! Эсимда, йил якуни бўйича илғорларни рағбатлантиришга ҳужжатлар расмийлаштираётган эдик. Мен ўралашиб, ишни чўзиб юбордим. Ижрочилик ва талабчанлик дарсини бир умрга ўшанда олган эдим.

* * *

Биз «Маданият» колхозининг раисаси Мария Леонтьевна Пугачёва ҳаётига тааллуқли бир неча лавҳаларни келтирдик, холос. Лекин ўшалар ҳам бу сахий қалб, куч ва қувватини аямай ишга сарфлайдиган ажойиб аёлни тўлиқ характерлайди, деб ўйламиз. Унинг бу ишига одамлар изгат-икром билан жавоб бермоқдалар.

И. МУҚИМОВ,
А. ЧЕРНЯК,
(«Правда»нинг махсус мухбирлари). Тошкент области.

(«Правда» газетаси. 1982 йил 30 декабрь).

ИДЕОЛОГИЯ АКТИВИ ЎҚУВИ

МУҲИМ ҲУЖЖАТЛАР ЎРГАНИЛМОҚДА

ТОШКЕНТ область партия комитети сиёсий маориф уйи меҳнат коллективларида КПСС Марказий Комитети ноябрь (1982йил) Пленуми, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлиси материалларини кенг пропаганда қилиш мақсадида пропагандистлар ва идеология активи ўқувини ташкил этди.

Областнинг 1300 нафардан кўпроқ пропагандисти бир ҳафталик курс ва семинарларда қайта тайёргарликдан ўтдилар. Ўқитувчи пропагандистлар учун «В. И. Ленин, КПСС ўқувчиларни тарбиялаш ва ўқитишнинг бирлиги ҳақида» курси ўтилди. Ўзбекистон ССР Маориф министрининг ўринбосари И. С. Мўминов халқ маорифини ривожлантириш истиқболлари тўғрисида гапириб берди. Тошкент шаҳри раҳбар ходимлари ва олимлари таълим-тарбияни такомиллаштириш масалалари тўғрисида лекциялар ўқишди.

Бу йилги ўқув йилида сиёсий маориф шоҳобчаларида «СССР Озиқ-овқат программаси» курси ўрганиляпти. Бу курсларда машғулотларни олиб бораётган пропагандистлар ўқув ҳам ўтказилди. Улар Ўзбекистон ССР Фанлар академияси экономика институтининг сектор мудири В. Муҳитдинов, республика рус тили ва адабиёти институтининг катта ўқитувчиси М. Қодиров, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган иқтисодчи, иқтисод фанлари доктори, профессор С. Р. Усмонов, тарих фанлари кандидати А. Холмуродов, иқтисод фанлар доктори М. Шапировларнинг «Ривожланган социализм шароитида КПССнинг социал сиёсати», «КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленуми—партия XXVI съезди қарорларини бажариш учун курашда муҳим босқич», «Агросаноат комплексининг моддий-техника базаси», «СССРнинг ташкил этилиши —ленинча миллий сиёсат тантанаси», «Колхоз ва совхозлар экономикасини мустаҳкамлаш» ва бошқа мавзулардаги лекцияларини тингладилар.

Шахсий план бўйича шуғулланадиган коммунистлар билан иш олиб борадиган сиёсий ўқув ташкилотчилари учун ҳам уч кунлик семинар ўтказилди.

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланиб шаҳар ва район партия комитетлари сиёсий маориф кабинетлари кутубхоначилари учун конференция ўтказилди.

25 декабрда область партия-хўжалик ва идеологик активи назарий семинарининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Унда тарих фанлари доктори, профессор Ч. Абутолипов, ВАСХНИЛ мухбир аъзоси, иқтисод фанлари доктори, профессор А. С. Цамутали, доцент В. М. Кандинов лекция ўқидилар.

1983 йилда ҳам пропагандистлар, идеология активи учун семинарлар, курслар ташкил қилинади, илмий-амалий ва назарий конференциялар ўтказилади.

В. И. ЛЕНИН номли Ўзбекистон металлургия заводининг кўплаб илғор ишчилари СССР халқлари қардош оиласи ташкил топган кунининг 60 йиллик тўйини муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб олдилар. Илгор металлурглар пландан ташқари юзлаб тонна пўлат эритганликлари ҳақида рапорт бермоқдалар.

Суратда: мартен цехининг пўлат эритувчиси Анатолий Кондрашин (чапда) ва Тожимат Мирзаматовларни кўриб турибсиз. Бу мусобақа пешқадамлари планга қўшимча равишда 170 тонна пўлат эритиб бердилар.

РАЙОН ҲАЁТИ СОЛНОМАСИ

«СУРЪАТ» ГАЗЕТАСИ—50 ЁШДА

Газетанинг биринчи сони қандай таёргарланганлигини ҳаммадан кўра кўпроқ кекса журналист Туроб Рўзиев яхши эслайди. Ўшанда у газетанинг масъул секретари эди.

— Газетамизнинг биринчи сони Тошкентда босилди,— дея эслайди у.— Чунки Паркентда ҳам, Янгибозорда ҳам у кезлар босмахона йўқ эди. Босилган газеталарни аравада ташиб келиб, одамларга тарқатардик. Ўшанга ҳам ҳозир 50 йилдан ошди.

Газетанинг дастлабки сонларини бир-бир варақлаймиз. Саргайган саҳифаларда ўша даврнинг ўтли нафаси сезилиб турибди. Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, революция душманларига қарши кураш, саводсизликни тугатиш... Бу мавзулар газета саҳифаларидан бирор кун ҳам тушмаган.

Улуғ Ватан уруши йилларини эса «Ҳамма нарса фронт учун, ғалаба учун» деган рубрика газетанинг жанговар шиорига айланди. Шу рубрика остида халқимизнинг фронт орқасида кўрсатаётган жасорати, ватандошларимизнинг жанг майдонидаги мардлиги ва қаҳрамонлиги илҳом билан мадҳ этилди. Заркентлик Тўла Тошев, сангинакликлар Қосимхўжа Бобохўжаев, паркентлик Сайфихўжа Зикирхўжаев каби актив қишлоқ мухбирлари ўз сўзлари ва ишлари билан одамларни руҳлантирдилар, янги-янги жасорат сари илҳомлантирдилар.

Кейинроқ Паркент ва Юқори Чирчиқ районлари бирлашди. Дастлаб фақат паркентликлар учун чиқарилган «Суръат» газетаси энди Юқори Чирчиқ райони ҳаётининг ҳам ёркин кўзгуси бўлиб қолди. Пахтачилик, чорвачилик, боғдорчиликни ривожлантириш учун кураш газетанинг бош мавзусига айланди.

Айниқса, пахтачиликни комплекс механизациялаш, пахта ҳосилдорлигини ошириш йўлида тўпланган бой тажрибаларни тарғиб қилишга газета алоҳида эътибор берди. Мана ҳозир районнинг пахтакор хўжаликларида ҳамма ишлар машиналар ёрдамида бажарилипти. Агар 1963 йилда етиштирилган барча ҳосилнинг атиги 11 процентини машиналар ёрдамида териб олинган бўлса, бу йил етиштирилган ҳосилнинг 90 процентдан кўпроғи «зангори кема»лар буйкеридан тўкилди.

«СССРнинг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта», «Пошёлка ва қишлоқларнинг юбилейлари йўқламаси» каби рубрикалар бу йил газета саҳифаларидан тушмади. СССРнинг 60 йиллиги шарафига олинган юксак социалистик мажбуриятларни бажариш йўлида меҳнат коллективлари, ишлаб чиқариш новаторлари эришган муваффақиятлар турли жанр ва формаларда тўлақонли ифодаланди.

Газета бажараётган ишлар кўлами анча кенг. Саҳифаларни варақласангиз район сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида рўй бераётган янгиликлар, туғилаётган ватанпарварлик ташаббуслари, совет турмуш тарзи, қишлоқда турмуш маданияти — ҳамма-ҳаммаси кўз ўнгингизда бир-бир намоён бўлади. Бу мавзуларни қамраб олишда ишчи-деҳқон мухбирлари газетага актив ёрдам кўрсатмоқдалар.

Ҳозир газетанинг юзга яқин доимий ёзиб турувчи жамоатчи мухбирлари бор. Уларнинг бир қисми редакция ҳузурида ташкил этилган «Илҳом» адабий уюшмасига бирлашган. Ёш талантларни тарбиялашда бу уюшманинг ҳиссаси катта бўляпти. Янги хўжаликлар, саноат корхоналарида ташкил этилган мухбирлар постлари ҳам ҳаваскор қаламкашлар учун катта ижод мактаби вазифасини ўталяпти.

Ҳозир газета материаллари ўзбек ва рус тилларида босиб чиқарилляпти. Районда 20 дан ортиқ миллат вакиллари яшамоқдалар ва меҳнат қилмоқдалар. Материалларнинг икки тилда нашр этилиши газетхонлар сонини яна ҳам кўпайтиришга, хатлар оқимини оширишга имкон яраталяпти.

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларни хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этишдаги хизматлари ва чиқа бошлаганига 50 йил тўлиши муносабати билан Коммунистик район партия комитети ва халқ депутатлари район Совети органи «Суръат» газетаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. Газета редактори М. Отақулов Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими унвонига, бир группа журналистлар, матбаачилар ва ишчи-деҳқон мухбирлари эса Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғларига сазовор бўлдилар.

Янгибозорда «Суръат» газетасининг чиқа бошлаганига 50 йил тўлишига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишни Коммунистик район партия комитетининг биринчи секретари А. П. Алимов кириш сўзи билан очди.

Тошкент область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев йиғилганларнинг қарсаклари остида «Суръат» газетасига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғини топширди, редакция коллективига ва жамоатчи активларга КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари қарорларини бажаришда янги ижодий муваффақиятлар тилади. Шу кунн Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими унвонининг гувоҳномаси ва кўкрак нишони, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари ҳам мукофотланганларга тантанали суратда топширилди.

Йиғилишда район партия комитетининг секретари Н. А. Кузнецова газета босиб ўтган шонли йўл тўғрисида доклад қилди.

Йиғилишда сўзга чиққан «Тошкент ҳақиқати» газетаси редактори, область журналистлар ташкилоти раиси Н. Н. Насимов, «Политотдел» колхози раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Хван Ман Гим, «Правда» колхози аъзоси, жамоатчи мухбир М. Ҳасанова, «Оҳангарон» газетаси редактори А. Аъзамов, Паркент район партия комитетининг секретари А. Мақсудов ва бошқа ўртоқлар газета коллективини, барча ишчи-деҳқон мухбирларини юксак мукофот билан муборакбод этдилар.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

КАСБ ВА МАҲОРАТ

Тиббиёт соҳасидаги ёш мутахассисларни касбга қизиқтириб, улар учун шифохоналар ва санаторийларда амалий машғулотлар ўтказиш, музокаралар ва илмий конференциялар ташкил этиш анъана тусига кириб бормоқда. Ана шундай тадбирлардан бири — СССР халқлари дўстлиги музейида бўлиб ўтди. Медицинага оид хилма-хил асарлар билан безатилган музей фойеси янада гавжумлашган. Бу ерга соғлиқни сақлаш соҳасидаги ёш олим ва мутахассисларнинг 1-область илмий-амалий конференцияси иштирокчилари ташриф буюришганди. Меҳмонлар Ҳиндистон илмий музейлар совети томонидан тайёрланган «Инсон ва машина» деб номланган кўргазмани катта қизиқиш билан томоша қилдилар.

Тошкент Давлат медицина институти ёш олимлари ва студентлари, неонатология институти, соғлиқни сақлаш илмий-текшириш институтларининг ходимлари конференция залига тўпландилар.

Ажиманда Тошкент область комсомол комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири Н. Иноятов сўзга чиқиб, медицина фанини тараққий эттиришда ёш мутахассисларнинг роли ва аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Музокарада сўзга чиққан Тошкент Давлат медицина институти ўқув ишлари бўйича ректор ўринбосари, медицина фанлари доктори, профессор А. Мўминов, Ўзбекистон экспериментал клиник хирургия илмий-текшириш институти бўлими бошлиғи, медицина фанлари доктори, профессор Б. Гамбурин, Тошкент Давлат медицина институти суд медицинаси бўлими бошлиғи, медицина фанлари доктори Ж. Жалоловлар совет медицинасининг улкан ютуқлари ҳақида гапириб, бу соҳада меҳнат қилаётган ажойиб касб эгалари олдида турган муҳим вазифалар хусусида ҳам тўхталиб ўтдилар.

Д. ҚОДИРОВА.

ҚЎШИМЧА МАЖБУРИЯТ

Янгийўл понабзал фабрикаси коллективи 18 декабрдаёқ йиллик топшириқни эпдаси билан адо этган эди. Йил охиригача планга қўшимча 200 минг жуфт ва кўпроқ шу жумладан иқтисод қилинган ҳом ашё ҳисобига 5 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқарилди.

Барча маҳсулотнинг 32 процентдан ортиғи давлат сифат белгисига топширилди. 5-цех коллективи эса ҳамма маҳсулотни давлат сифат белгиси билан харидорларга армуғон этмоқда.

Корхонада 200 нафардан кўп ишчи йиллик топшириғини муддатидан олдин бажарди. КПСС XXVI съезди-нинг делегати Орзихон Иқматова беш йилликда ўн иккн йиллик норманн бажариш ташаббуси билан чиққан эди. У бир беш йиллик топшириғини адо этиб бўлди. Ҳозир 1986 йилнинг февраль ойи ҳисобига ишламоқда. Унинг издошлари Б. Мирхамитова, Е. Куприяненко, Л. Хотамқуловалар ҳам ўз аҳдларига содиқ қолмоқдалар.

Б. СОЛИҲОВ.

МАСТУРА Ғафурова зимма сига олган топшириқни тўрт йилда бажариш мажбуриятини олган илғор ишчиларнинг бири. У кўп йиллардан буён Ўзбекистон кайин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатида фидокорона меҳнат қилиб келяпти.

КОММУНИСТЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

ҚАТЪИЙ СЎЗ

...Кечагина очилиб турган ҳаво тунга бориб тўсатдан айниди. Аста-аста томчилай бошлаган ёмғир кучайиб, қорга айланди. Эндигина ниш ураётган картошка майсалари совуққа бардош бера олмади.

— Эсизгина, агар совуқ урмаганда картошкамиз 15 майга етиларди, — деди ачиниб, дала бошига етиб келган ишчилардан бири.

— Ҳеч қиси йўқ, эрта — индин кун исиб кетади, — деди дилидаги изтиробни яшириб, бригада бошлиғи Абдурашид Абдувоситов.— Ниҳоллар яна униб чиқиши билан парваришни бошлаб юборамиз. Қўшимча маҳаллий ўғит берамиз, экинни яйратамиз.

Картошка ниҳоллари яна яшнаб кетди. Бригада аъзолари ҳосили етилгунча уч марта ишлов бериб, 5 марта сугордилар.

Маълумки, С. М. Будённий номли совхоз қўриқ ерларда ташкил топган. Картошка пасти-баланд майдонларга экилган. Шунинг учун ҳам экинларни парвариш қилиш, сугоришда бироз қийинчиликлар туғилади. Деҳқончиликда катта тажриба тўплаган бригада аъзолари сув тақчиллиги сезилган бу йилги оғир шароитда ҳам тадбиркорлик билан иш юритиб, экинларни суғоришда қалин қора коровзлардан фойдаланишди.

Натижада сув ерларга ортиқча сингиб кетмади. Бундан ташқари картошкакорлар оқава сувлардан ҳам унумли фойдаланишиб, сув исрофгарчилигига йўл қўймадилар.

Бригада бошлиғи А. Абдувоситов йил бошида бўлиб ўтган очиқ партия йиғилишида сўзга чиқиб юбилей йилида ҳар гектар ердан 170 центнердан ҳосил олишни коллективга маълум қилган эди. Кейинчалик бригада аъзолари даладаги ҳосил чўғини қайта чамалаб кўришиб яна қўшимча 10 центнер, ҳар гектар ердан жами 180 центнердан картошка олишга қарор қилдилар. Уларнинг бу ташаббусини совхоз маъмурияти ва партия комитети қўллаб-қувватлаб, хўжаликда кенг оммалаштирди.

Коммунист А. Абдувоситов бошлаган бу ватанпарварлик ташаббусига Х. Салимов ва М. Солиҳов бошлиқ бригадалар ҳам яқиллик билан қўшилдилар. Оҳангарон район партия комитетининг бюроси эса уларнинг ташаббусини қизғин маъқуллади.

Қўриқдаги мазкур совхоз асосан картошкачиликка ихтисослашган. Юбилей йилида хўжалик меҳнаткашлари 7000 тонна картошка, 6000 тонна сабзавот топширишга сўз берган эдилар. Улар сўзларининг устидан чиқиб, план ва топшириқларни оширб бажардилар. Ташаббускор коммунист А. Абдувоситов бошлиқ бригада аъзолари бу йил 36 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, ҳар гектар ердан 200 центнердан ҳосил олишли ва давлат қабул пунктларига 720 тонна картошка етказиб бердилар.

— Коммунист А. Абдувоситов қатъиятли йигит,— деди биз билан суҳбатда совхоз партия ташкилотининг секретари Турдиали Қушев. — Унинг қўриққа келганига беш йилдан ошди. А. Абдувоситовга ўхшаган коммунистлар колхозимизда 41 нафар. Бригада бошлиғи А. Абдувоситов айни пайтда агитатор ҳамдир. У шу кунларда ўз коллективида СССРнинг Озиқ-овқат программаси, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми материаллари асосида қизиқарли суҳбатлар ўтказяпти.

Қўриқ ўз қаҳрамонларини етиштириб чиқаряпти. Улар барча қийинчиликларни фидокорона меҳнатлари билан енгиб, тобора олға интилмоқдалар. Коммунист А. Абдувоситов ҳам ана шундайларнинг биридир.

О. ХУШНАЗАРОВ,
Оҳангарон райони.

ОҚҚЎРҒОН РАЙОН

ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

УНДАН МИННАТДОРМИЗ

ШОГИРД УСТОЗ ҲАҚИДА

Юбилей йили ва умуман беш йиллик халқ хўжалик планларини муддатидан илгари адо этиш юзасидан бошланган социалистик мусобақа давомида маҳаллий Советлар депутатларидан 60 нафари беш йилликни тўрт йилда бажариш ташаббуси билан чиққан эди. Халқ вакилларидан Т. Содиқов, М. Искандарова, Н. Раҳматуллаев ва М. Кошевниковлар эса тўрт йилда олти йиллик топшириқларини адо этишга аҳд қилдилар.

Депутатлар чақириғи район хўжалик ва корхоналарининг 1,5 мингдан зиёд ишчи-хизматчилари томонидан қизғин қўллаб-қувватланди. Натижада кўпгина меҳнат коллективлари, жумладан, «Госкомсельхозтехника» район бирлашмаси, Алимкент пахта тозалаш заводи ва «Оққўрғон» совхозларида ойлик ва йиллик планлар ортиғи билан адо этилмоқда. Ташаббускорларнинг ўзлари эса ишлаб чиқариш топшириқларини 130—140 процентга етказиб бажариб, бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

* * *

Саратовликларнинг етиштирилган ҳосилни нобуд қилмай тўла-тўкис йиғиштириб олиш юзасидан бошлаган ташаббуслари кенг оммалашди. Районда хўжасизлик ва нобудгарчиликка қарши кураш қизитилди. Ташаббус юзасидан бошланган Бутуниттифоқ юришининг район штаби, колхоз, совхоз, тайёрлов ва қайта ишлаш корхоналарда тузилган 52 депутатлик группа ва постлари жойларда текширишлар ўтказдилар.

ҲОЗИРГИНА гавжум бўлиб турган гараж бир зумда бўм-бўш бўлиб қолди. Эрта билан ишга келган ҳайдовчилар нари-бери гурунглашишди-ю, ҳужжатларни расмийлаштириб, ўз машиналарини гуриллатиб ҳайдаб кетишди. Бошқарма ҳовлисида Рустам ёлғиз қолди. Яқиндагина бу коллективга ишга кирган йигит ўзига бириктирилган «ГАЗ-51» машинаси атрофида парвона бўлар, унинг капотини кўтариб қўйиб алланималарни титкилаб кўрар, бироқ ҳадеганда машина мотори ўт олавермасди. Бу соҳада ҳали тажрибасиз бўлган Рустам двигателини ўт олдиришга ўзининг кўзи етмагач, мадад кутгандек атрофга қарар, бироқ ёрдам сўрайдиган ҳеч ким кўринмасди. Бир ёқда у кечикяпти — қурилиш объектига тезроқ етиб бориши керак, ишчилар кутяпти. Шу алпозда боши қотиб турган эди. бошқарма идорасидан чиқиб келаётган Лутфулла акага кўзи тушди. У янада тоқатсизланди: бош инженерга нима дейди?

Лекин Лутфулла Қаюмов унга танбеҳ берганн йўқ, тўппа-тўғри олдига келди:

— Ҳа Рустамбой, тойчоқ тихирлик қиляптими дейман?

Бош инженер қўлидаги бир даста қоғозни Рустамга тутқазди-да, ўзи капотнинг тагига энгашди. Нари-бери бир нималар қилиб, бирпасда моторни ўт олдирди. Рустам хижолатдан нима дейишни билмай турганини пайқаб, унга далда берди:

— Ҳеч ким шофер бўлиб туғилмайди, секин-аста ўрганиб кетасан, парво қилма.

— Раҳмат, сизга.

Рустам шундай деди-ю Лутфулла аканинг ортидан меҳр билан қараб қўйди ва кабинага чаққонгина кириб, ишга жўнаб кетди.

Лутфулла Қаюмовни Тошкент шаҳар ижроия комитети ободонлаштириш бош бошқармасига қарашли 2-ремонт-қурилиш бошқармасида ҳамма танийди, ҳурмат қилади. Айниқса шоферлар. Чунки, бош инженер бошқармага қарашли барча машиналарнинг ҳамиша ишга шай ҳолатда бўлиши учун ғамхўрлик қилади. Уларни зарур эҳтиёт қисмлар билан, ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш бевосита Л. Қаюмовнинг зиммасида. Бошқарманинг 62 кишилик шоферлар коллективи ўз фаолиятларида кунда бўлмаса ҳам кунора албатта бош инженер билан бирон бир масалада мулоқотда бўлишади. Шунда иши битмаганлигидан, ёки қўпол муомаладан ранжиган одамни ҳеч учратмайсиз. Бош инженер қўлидан келганича ҳар бир масалада албатта ёрдам беришга ҳаракат қилади.

2-ремонт-қурилиш бошқармасида жами 180 дан ортиқ киши ишлайди. Улар ёзда пойтахт кўчаларининг саранжом-саришта, озода бўлиши учун, қишда эса йўлларни қор ва музлардан тозалашда, ўнқир-чўнқир жойларни текислаш, асфальтлаштиришда жонбозлик кўрсатиб ишлайдилар. Шунингдек, пойтахтда бунёд этилаётган йирик-йирик объектлар қурилишида ҳам ёрдамлашмоқдалар. Жумладан, Халқлар дўстлиги саройини барпо этиш, унинг атрофини ободонлаштиришга катта ҳисса қўшишди. Тошкентнинг 2000 йиллигига тайёргарлик кўрилаётган айни пайтда эса шаҳарни ободонлаштириш бўйича катта ишларни амалга оширишяпти. Бунда илғор шофёрлар А. Мусаев, А. Мадаев, Д. Симонов, Н. Абдурахмонов, Х. Зокировларнинг ҳиссаси салмоқли бўляпти. Шунингдек, бошқарма бўйича план ва мажбуриятларнинг мунтазам ошириб бажарилишида бош инженер Лутфулла Қаюмовнинг муносиб хизмати бўлди. Янинда эса кўпчилик ёш ишчилар ва шоферларнинг устози Л. Қаюмов ободонлаштириш бош бошқармасининг йўл бўлимига бошлиқ бўлди.

С. ҚОДИРОВ,
шофёр.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ҲАЁТИДАН

СТУДЕНТЛИКНИ ШАРАФЛАБ

Қувонч ва ҳаяжони юзкўзидан сезилиб турган бу йигит-қизлар бугун катта тантанага йиғилишган. Улар орасида завод ишчиси ва колхозчи, тўқувчи ва бинокор, шахтёр ва энергетик, хуллас турли касб эгаларини учратиш мумкин. Кечки ва сиртқи бўлимнинг биринчи курс талабалари дорилфунунининг муҳташам маданият саройига тўппа-тўғри В. И. Ленин номли майдондан, доҳий ҳайкали ва номаълум солдат жасоратига ўрнатилган монументга гулчамбарлар қўйиб келишди. Кираверишдаги доҳий ҳайкали ҳам ранго-ранг гулларга бурканган.

Олтин давр — студентлик йилларининг бошланишини шарафлашга бағишланган тантанали кечани Тошкент Давлат университети ректори, профессор А. Т. Азизхонов очди. У ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олиш системасида кейинги йилларда қўлга киритилган ютуқ ва илғор тажрибалар ҳақида тўхталиб ўтди. Халқ хўжалигининг турли соҳаларига малакали, билимдон мутахассис кадрлар етказиб беришнинг муҳим ўчоқларидан бири бўлиб қолган кечки ва сиртқи бўлимларни такомиллаштиришга йил сайин катта эътибор берилмоқда. Уларда ўқиётганларга барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Талабалар студентлар илмий жамиятининг фаолиятида, турли конференция ва баҳслашувларда фаол иштирок этмоқдалар. 1981—82 ўқув йилида кечки бўлимдан 32 нафар, сиртқи бўлимдан эса 8 нафар йигит-қизнинг ўқишни имтиёзли диплом билан битириб чиқанлиги шу ғамхўрлик самарасидир.

Университет партия комитетининг секретари Ш. З. Ўразаев, кечки бўлимнинг собиқ битирувчилари, химия факультети декани ўринбосари И. А. Шестерова, физика фанлари кандидати Ф. Н. Расуловлар кечки-сиртқи бўлим талабаларини қизғин табриклаб, уларга ўқиш ва меҳнатда муваффақиятлар тилашди.

Минбарга Брест қалъаси ҳимоячиси бекободлик М. В. Абдуалиев кўтарилди. Ветеран жангчи Улуғ Ватан уруши хотиралари асосида асар ёзиш мақсадида бу йил журналистика факультетининг сиртқи бўлимига кириб ўқишга астойдил аҳд қилди. Унинг дастлабки қадамлари қувончли, бўлаяпти. Фанлардан фақат «яхши» ва «аъло» баҳоларга ўзлаштириш билан бир қаторда ижодий режаларини ҳам амалга оширишга киришди.

— Эзгулик нафи илм олишнинг ҳам кечи йўқ,— деди у.— Кўп йиллик ҳаётий тажрибам давомида инсон мудом ўқиб-ўрганишдан тўхтамаслиги кераклиги, бинобарин умрнинг мазмуни янгиликлар сари доимий олға юриш эканлигига тўла ишонч ҳосил қилдим. Ёшларни илм-фан сирларини пухта эгаллашга чақириш билан бирга ўзим ҳам улардан ортда қолмасликка ҳаракат қиламан.

Физика факультетининг I курс студенти М. Бабанов кечки бўлим талабалари номидан кўрсатилаётган катта ғамхўрликка жавобан фақат аъло баҳоларга ўқишга ваъда берди.

Машҳур олимлар — Ибн Сино, Архимед ва Ньютон қиёфасидаги университет бадиий ҳаваскорлик тўгараги аъзоларининг талабаларга билимларинг рамзий калитини топшириши билан улар ижросидаги байрам концерти бошланиб кетди.

А. БОБОБЕКОВ

ТОШКЕНТДАГИ асбобсозлик заводининг токари Сандра сул Ҳасанов маҳоратли ёш ишчилардан саналади. Айни пайтда у устозларга тенглашиб графикни мунтазам зиёдаси билан адо этмоқда. Янги йил арафасида С. Ҳасанов 1983 йилнинг ноябрь ойи ҳисобига ишлаб бошлаганлигини маълум қилди.

В. Сироткин фотолари.

М А В С У М Т А Р А Д Д У Д И

КОЛХОЗИМИЗ пахтакорлари ўтган йили пахта сотиш планини бажара олмай, давлатдан қарздор бўлиб қолган эдилар. Қолоқликдан чиқиш йўлида астойдил меҳнат қилган колхозимиз аъзолари СССРнинг 60 йиллик тўйига муносиб совға тайёрладилар. Она Ватанга пландаги 2735 тонна ўрнига 2900 тонна «оқ олтин» армуғон этдилар. Иқлим шароити пахтачилик учун ҳар қачонгига қараганда оғир келганлигига қарамай, давлатга ўтган йилдагидан 200 тонна ортиқ қимматбаҳо хом-ашё етказиб берилди.

Шуни айтиш керакки, пахтанинг ялпи ҳосилини кўпайтиришга асосан ҳосилдорликни ошириш ҳисобига эришилди. Юбилей йилида колхоз бўйича ҳар гектар ердан олинган пахта ҳосили 33 центнердан ошди. Бу ўтган йилга нисбатан гектар бошига 5 центнер ортиқдир.

Ютуқлар хўжалигимизда пахта ҳосилдорлигини оширишнинг талайгина резервлари борлигини яққол кўрсатди. Бу ўринда илғор бригадаларнинг коллективлари эришган ютуқлар ҳақида тўхталиб ўтиш кифоядир. Колхозимизнинг Ҳ. Ҳожимирзаев, И. Мадалиев, М. Аҳмедов, М. Бералиев ўртоқлар бошлиқ бригада пахтакорлари ҳар йилдагидек бу йил ҳам омилкорлик билан иш тутиб, гектар бошига 35—40 центнердан хирмон кўтаришга муваффақ бўлдилар.

Хўш, юбилей йилида эришган ютуқларимизнинг сири нимада? Аввало шуни айтиш керакки, пешқадам хўжаликларда вужудга келган илғор агротехникани қўлланиш пахтадан мўл ва эртаги ҳосил етиштиришимизда гоят қўл келди. Пахтакорларимиз ана шу илғор технологияга қатъий амал қилиб, ҳар бир агротехника тадбирини ўз вақтида ва сифатли амалга оширдилар.

Тажрибакор деҳқонлар ҳосил учун кураш кузда бошланади, дейдилар. Ана шуни ҳисобга олиб ўтган йилнинг кузидан мўл ҳосилга мустаҳкам замин яратиш тадбирлари белгиланган. Изчиллик билан амалга оширилаётган бу тадбирларда кузги-қишки ишлар комплексини ўз вақтида ва сифатли бажарилишига алоҳида эътибор берилган.

Механизаторларимизнинг ғайрат билан ишлашлари туфайли асосий майдонлар шудгорлаб қўйилди. Барча ерлар икки ярусли плуглар билан ҳайдалди. Шудгорлаш олдидан ҳар гектар ерга 200 килограммдан аммофос, 60 килограммдан калийли ўғитлар солинди. Кўп йиллик бегона ўтларга қарши далаларга далапон гербицидлари сепилди.

Ер тўймай эл тўймас, дейдилар. Ана шу мақолга амал қилаётган пахтакорларимиз тупроқ унумдорлигини ошириш, маҳаллий ўғит жамғариш ва далаларга ташиб чиқаришни қизғин давом эттирмоқдалар. Хўжалигимизда махсус унумдорлик бригадаси ташкил этилган. Етарли погрузчик, бульдозер, 10 дан ортиқ транспорт трактори бириктирилган бу бригада аъзолари баҳоргача далаларга 15 минг тоннага яқин маҳаллий ўғит чиқаришни мўлжалламоқдалар. Маҳаллий ўғит ташишда А. Ҳайдаров, Ш. Нурматов, О. Эргашев каби механизаторлар ҳамкасбларига ўрнак бўлишяпти. Уларнинг ҳар бири кунига 10—15 тоннадан маҳаллий ўғит ташишга эришмоқда.

Қиш бекорчилик фасли эмас. Пахтакорларимиз қишнинг ҳар бир кунидан мўл ҳосилга мустаҳкам замин яратиш йўлида фойдаланадилар, чигит экиш кампаниясигача ҳамма нарсани тахт қилиб қўядилар.

Ф. МАДАЛИЕВ,
Янгийўл районидаги Н. Ниёзов номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ХЎЖАЛИК РАҲБАРИ МИНБАРИ

К Ў К Л А М Г А Т А Х Т

Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозида машина-механизмларнинг ҳаммаси баҳорги дала ишлари бошланишидан анча олдин тахт қилиб қўйилди. Пахта, каноп ва маккажўхори экадиган олтмиш еттита сеялканинг ҳаммаси муддатидан анча илгари ремонт қилинди. Қишлоқ хўжалик техникаси ремонтини назорат қилиш учун хўжаликда тузилган махсус комиссия экиш агрегатларини тайёрлаш сифатига юксак баҳо берди.

Колхознинг марказий ремонт устахоналарида механизаторлардан иборат махсус бригадалар тузилди. Бу бригадалар ўртасида социалистик мусобақа авж олдирилди. Мусобақа якунлари ҳар ҳафтада чиқарилади.

Колхоз устахоналарини энг янги асбоб-ускуналар билан таъминлаш ремонт ишларини тезлаштиришда катта роль ўйнади. Бу йилги мавсумда «Политотдел» ремонтчилари двигателларни таъминлаб турадиган стендларга, аккумуляторларни зарядлайдиган приборларга эга бўлдилар.

Шу кунларда колхозда тупроқни қайта ишловчи машина-механизмлар ремонт қилиб бўлинди, ўриш машиналарини тайёрлаш бошланди.

(ЎзТАГ мухбири).

Б А Ж А Р И Л Д И !

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ноябрь (1982 йил) Пленуми қарорларини ҳаётга татбиқ қилиш учун барча резерв ва имкониятларни ишга солаётган Солдатское луб заводи меҳнаткашлари зиммадаги ойлик ва квартал планларини мунтазам ошириб бажаришяпти. Заводда цехлараро авж олдирилган социалистик мусобақада Ю. Қутбиддинов бошчилигидаги йирик тола ишлаб чиқариш цехи коллективи пешқадамлик қилмоқда. Улар СССР 60 йиллиги шарафига мусобақани қизитиб, йиллик планни юбилей арафасида муддатидан илгари бажардилар. Бунда цех ишчилари В. Месерова, Ф. Шаропова, Ф. Иноятова, Д. Наумовларнинг ҳиссаси катта бўлди.

З. ИСРОИЛОВ.

Байрақдор хўжаликларда

ПОМИДОР, БОДРИНГ ҒАРҚ ПИШДИ

ТАШҚАРИДА совуқ, изғирин. Лекин иччарида эса баҳор шамоли уфуриб турибди. Секциялардаги помидор палаклари саф қилиб тараланган. Улар сердон, ҳақиқатдек қизарган ҳосиллар кўзни қамаштиради. Бодринг палакларида ҳам гунгғуж ҳосил. Ён томондаги бир секцияда эса анвойи гуллар очилган. Ундан нарирокда лимонзорга дуч келдик. Олтиндек товланаётган лимонлар шохларини эгиб юборган.

Биз республика мева-сабзавот хўжалиги министрлиги Тошкент область аграр-саноат бирлашмасига қарашли Қўйлиқ теплица комбинати ҳақида ҳикоя қилмоқдамиз. Комбинат бу йил ҳам ўзаро мусобақада ғолиб чиқиб, республика кўчма Қизил байроғини қўлга киритишга муваффақ бўлди. Яқинда мева-сабзавот хўжалиги министрининг ўринбосари С. Г. Хорев тантанали вазиятда байроқни топширди. Комбинат сабзавоткорларни юксак мукофотга жавобан янада астойдил меҳнат қилишга сўз бердилар.

Комбинат директори С. ЧЎТБОЕВ бу ҳақда мухбиримизга қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди:

— ОЛДИНГИ сафда бўлиш, мусобақада ғолиблар қаторидан ўрин олиш,— дейди директор,— осон эмас, албатта. Бунга эришмоқ учун ҳар биримиз ўз постимизда сергак туришимиз, эришилган ютуқлар, натижаларни танқидий нуқтаи назардан таҳлил этиб боришимиз, ҳамиша янгилик излаб, келажакни кўзлаб, меҳнат қилишимиз лозим. Шуни фахр билан айтишим мумкинки, комбинатимиз сабзавоткорлари бу масъулиятни тўла ҳис қилган ҳолда иш олиб бормоқдалар. Улар қиш даврида аҳоли дастурхонига кўплаб миқдорда ёз неъматлари: помидор, бодринг ва бошқа резавор маҳсулотларни етказиб бериш учун астойдил курашмоқдалар.

Комбинатимизда 7 та участка, 28 та звено бор. Бу участка ва звеноларга асосан махсус агрономия маълумотига эга бўлган, касбига садоқатли кадрлар раҳбарлик қилмоқда. Уларнинг ташкилотчилиги, фидокорона меҳнати туфайли йил сайин ойнаванд майдонлардан мўлкўл маҳсулот олмоқдамиз.

Ўтган йили 2 минг тоннадан ортиқ сабзавот етиштирилган эди. Комбинатимиз сабзавоткорлари ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилдилар ва йилни муваффақиятли якунламоқдалар. Ҳозиргача 2 минг 600 тоннадан ортиқ маҳсулот етиштирилди. Ҳар куни шаҳарликлар дастурхонига 1,5 тоннага яқин помидор ва бодринг жўнатилиб турибди.

Ўзаро социалистик мусобақада ташаббускор сабзавоткорларимиздан Саноат Хўжамназарова, Заҳро Бурхонова, Сотқиной Соатова сингари ўртоқлар бошлиқ звеноларнинг деҳқонлари, айниқса, яхши натижаларга эришмоқдалар. Улар ҳар бир квадрат метр ердан 22—25 килограммдан маҳсулот йиғиб олмоқдалар.

Ҳосилдорлик ортиб боряпти. Биз бундай ютуққа илғорларнинг тажрибасини кенг жорий этиш, фан ютуқларини қўллаш туфайли эришаётирмиз.

Бундан 3—4 йил илгари экинларга оқ пашша—ҳашорат тушиб, жиддий зиён етказар эди. Кимёвий усулда дорилаш ишлари яхши натижа бермади. Ана шундан сўнг биз ўсимликларни ҳимоя қилиш ўрта Осиё илмий-текшириш институти олимларининг бевосита ёрдами билан биологик лабораторияни ташкил қилишга киришдик. Бу лабораторияда оқ пашшанинг кушандаси «Ашурсон» кўпайтирила бошланди. Агрономэнтимологларимиз ҳар бир участка, ҳар бир пайкални пухта текшириб, оқ пашша тушган ерларни аниқлаб, дарҳол ана шу кушандани қўйишга киришдилар. Натижа жуда қувончли бўлди. Эндиликда оқ пашша деярли кирилиб кетди. Биз бу тажрибамизни янада бойитамиз. Ҳозир лабораторияда иш қизғин. Ҳашорат кушандасини ишлаб чиқариш бошлаб юборилган.

Комбинатимизнинг тўртта секциясида гул ўстирилмоқда. У 2 минг квадрат метр майдонни эгаллаган. Сабзавоткорларимиз қарнайгул, чинигул сингари нозик гулларни ўстириш агротехникасини яхши ўрганиб олганлар. Ҳар куни 1,5—2 минг дона гул тайёрланиб, янги йил дастурхонини безаш учун тортиқ қилинаётир.

Маълумки, бу йил қиш қаттиқ келди. Бундай шароитда теплица комбинатида ҳар бир звено иши пухта ташкил қилинмаса дөрда қолиш ҳеч гап эмас. Секциялардаги ҳарорат доимо мўътадил бўлиши керак. Айниқса, иситиш системасининг ишини аниқ ва пухта ташкил этиш катта масъулият талаб этади. Жалил Шорахмедов, Абдуфаттоҳ Пирмуҳаммедов, Людмила Перина сингари ўртоқлар бу соҳада жонбозлик кўрсатиб ишламоқдалар. Шу туфайли ҳам ташқарида қаттиқ совуқ бўлган дамларда ҳам унинг таъсири секцияларда заррача сезилмади. Помидор, бодринг туплари дуркун ривожланмоқда.

КПСС Марказий Комитети ноябрь (1982 йил) Пленуми қарорларидан руҳланган сабзавоткорларимиз ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида ҳам фидокорона меҳнат қилиб, мўл-кўл маҳсулот етказишга аҳд қилганлар. Биз Озиқ-овқат программасининг бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш, республика кўчма Қизил байроғини ўз қўлимизда сақлаб қолиш учун барча имкониятларни ишга соламиз. Сафимизда бирорта ҳам қолоқлар бўлмайди. Ҳар бир участка ва звенода ишлаб чиқаришни юксак даражада ташкил этиб, ҳосилдорликни кескин ошириш учун билим ва тажрибаларимизни тўла ишга соламиз.

● **Суратларда: теплица хўжалигининг гулчилик бўлимида иш қизғин [юқорида] Ҳумора Каримова, [орқада чапдан] Зуҳра Қурбонова ва Вазира Ҳасановалар янги узилган гулларни жўнатиш олдидан саралашмоқда; [ўнгдан чапга] цитрусчи, катта агроном Ҳусниддин Кўчқоров ва лимончилик звеноси бошлиғи Мавлуда Ҳолматова ўртоқлар лимон ҳосилини кўздан кечиришмоқда; пешқадам сабзавоткорлар [олдинда, чапдан] Сотқиной Соатова, Муяссар Иброҳимова, [орқада] Доно Сандумарова ва Зуҳра Маметовалар. Улар шаҳарликлар дастурхонига сархил сабзавотлар етказиб беришда барчага ўрнак бўлишмоқда.**

В. Портнов фотолари.

● ВИЛЬНЮС. Тўрт томли «Рус—литва луғати» икки қардош халқ тили бойликларини очиб беради. Республиканинг «Мокслас» («Фан») нашриёти унинг биринчи китобини босиб чиқарди. Катта асарнинг тўрт томида юз минг сўз қўлланиш мисоллари билан таржима қилиб берилади. Совет воқелигида вужудга келган жуда кўп терминлар берилган. Луғат тилшунослар, муаллимлар, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

● МИНСК. Бу шаҳардаги «Горизонт» ишлаб чиқариш бирлашмасида қўплаб тайёрлаб чиқарила бошланган Ц-255 рангли телевизорлар тежамли ва пухтадир. Интеграл схемалар асосида ясалган приёмник аввалгисидан икки баравар енгил ва оз энергия истеъмол қилади. Ана шу сифатларни туфайли у соҳанинг рангли телевизорлар ишлаб чиқарувчи ҳамма корхоналари учун база модели деб топилди.

● ФРУНЗЕ. «Наривводстрой» трестининг механизаторлари ва бетончиларн жўшқин сел йўлига ўтиб бўлмас ғов солдилар. Улар Чуй водийсида селхона схемасини муддатидан илгари фойдаланишга топширдилар. Селхона ўн минг гектар ердаги иморатлар, экинлар ва каналларни ҳоҳта қилади.

● КРАМАТОРСК. (Донецк области). Кон бетини очадиган узлуксиз ишлайдиган роторли комплекслар фойдали қазилма конларни тез қазиб олинишини таъминлайди. «Новокраматорский машиностроительний завод» бирлашмасида шундай комплекслари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу ердан Кривбасс кончиларига улкан экскаваторнинг сўнгги узеллари юборилди. У бир йилда 12 миллион куб метр тог жинсини қўпора олади.

(ТАСС).

Халқаро ҳаёт

ТИНЧЛИК ВА АҚЛ-ИДРОК ОВОЗИ

СССРнинг 60 йиллик юбилейини бутун тараққийпарвар инсоният кенг миқёсда нишонламоқда, ҳозирги пайтда СССР халқлар тинчлиги ва озодлиги улуғ ишининг таянчи, ер юзида тинчлик, кескинликни юмшатиш ва ижтимоий тараққиёт учун сабот билан курашаётган барча кучларнинг байроқдори бўлиб қолди. СССР Олий Совети билан КПСС Марказий Комитетининг «Жаҳон парламентлари, ҳукуматлари, сиёсий партиялари ва халқларга» мурожаатномаси, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю. В. Андроповнинг Москвадаги тантанали мажлисда қилган доклади хусусида чет элларда билдирилаётган фикр ва мулоҳазаларнинг асосий мазмуни шундан иборат. Чет эл матбуоти советлар мамлакати барча холис ният кишиларни ер юзида тинчликни сақлаб қолиш, инсоният бошн узра пайдо бўлган ядровий фалокат хавфини даф қилиш учун бутун куч-ғайратни сарфлашга чақираётганлигини таъкидлайди.

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги байрам қилинаётган кезларда Москвадан яна ақл-идрок, доноялик ва инсонпарварлик овози янгради, деди Болгария тинчликни ҳимоя қилиш миллий комитетининг раиси **Г. Димитров-Гошкин.** СССР Олий Совети билан КПСС Марказий Комитетининг муржаатномасида, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг докладида кўп миллатли Совет давлатининг изчил тинчликсевар сиёсати ифодалаб берилди. Совет Иттифоқи ўртага ташланган янги тинчлик ташаббуслари КПСС XXVI съездида қабул қилинган тинчлик программасини давом эттиради ва ривожлантиради.

Ҳозир дунёдаги ҳар бир халқнинг, ҳар бир меҳнаткаш инсоннинг турмушига Россиядаги Октябрь революцияси асос солган буюк тарихий бурилиш бевосита ёки бавосита таъсир ўтказиб турибди, деб ёзади ПБИП Марказий Комитетининг органи **«Трибуна люду»** газетаси. Бу бурилиш жаҳон социалистик системасини барпо этиш ва ривожлантириш имконини берди. У мустамлакачиликни тугатишнинг қудратли ва муқаррар омили бўлди. Мана, олтмиш йилдирки, советлар мамлакати бутун дунёдаги тараққиёт кучлар учун жозиба қутби бўлиб турибди. Бутун тараққийпарвар инсоният Совет давлатининг юбилейини нишонлаётган шу кунларда империализм халқаро кескинликни тинимсиз кучайтирмоқда, деди Куба Республикаси халқ ҳокимияти миллий ассамблеясининг раиси Ф. **Браво** СССРнинг 60 йиллиги шарафига Гаванада ўтказилган тантанали мажлисда, мана шундай шароитда КПСС Марказий Комитети Бош секретари баён этиб берган СССРнинг қатъий тинчликсеварлик позицияси жуда катта аҳамиятга эгадир. Куба халқи, Компартияси ва Куба ҳукумати советлар мамлакатининг тинчликсевар, принципиал, изчил сиёсатини юксак қадрлайдилар ва қатъият билан қўллаб-қувватлайдилар.

Советлар мамлакатининг шонли юбилейи байрам қилиниши чинакам тинчлик намойиши бўлди, деди Швеция коммунистлари — ишчи партияси правлениесининг раиси **Р. Хаген** «Норшенсфламман» газетаси саҳифаларида, тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш ҳамда кескинликни юмшатиш жараёнини ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳамон СССР ташқи сиёсий йўлининг асосидир. Конкрет ва амалий совет таклифлари тенглик ва баббаравар хавфсизлик принципи асосида ўзаро мақбул қарорлар ишлаб чиқиш йўлини очади.

Совет раҳбари ўзининг ядровий қуролсизланиш соҳасидаги олисни кўзловчи таклифлари билан Совет Иттифоқи гўё қуролсизланиш тўғрисидаги музокараларда «мойиллик кўрсатмаяпти» деб таъна қилаётган америкалик «кузгун»ларни ҳар қандай далил-исботлардан батамом маҳрум қилди, деб ёзади Ғарбий Германиядаги **«Шпигель»** журнали. Европадаги ўртача олисликка учириладиган ракеталарга келганда, СССР фақат инглиз ва француз ракеталари билан тенглашишни талаб қилмоқда. Бу сафар Вашингтон Москванинг таклифларини рад қилишга уриниш учун бирон-бир важ топиши ҳар қачонгидан ҳам қийинроқ бўлади.

Совет Иттифоқининг ядро қуролларини қисқартириш соҳасидаги сўнгги таклифларига АҚШнинг ҳукмрон доиралари қай назар билан қарамасинлар бир нарса равшан: Ю. В. Андропов Москвада қилган доклад СССРнинг кескинликни юмшатиш замонларига қайтишга астойдил интилаётганлигидан далолат беради, деб таъкидлайди Австриядаги **«Арбайтер Цайтунг»** газетаси. Хатто Вашингтоннинг сиёсий доираларида ҳам СССРнинг янги таклифлари қабул этилиши тарафдорлари бор. Ҳақиқатан ҳам Рейган қуроллароғлар устидан контроллик ўрнатилишидан манфаатдорми ёки у Ғарбий Европада Американинг ўртача олисликка учириладиган ракеталари жойлаштирилишига эришиш учун ҳамон номақбул позицияларда тураберишниятидами? — деб савол берадиган пайт келди.

Совет Иттифоқининг таклифлари, деди АҚШ демократик партиясининг таниқли арбоби, сенатор **Г. Харт,** Совет Иттифоқининг Европадаги ядро қуролларини чеклаш тўғрисидаги музокараларни ўрнидан қўзғатиш йўлида янги жиддий куч-ғайратлар сарфлашидан далолат беради.

(ТАСС).

ПЛАНЕТА ОБ-ҲАВОСИ

ВАРШАВА. Об-ҳаво Варшава аҳолисига ғайри одатий бир тортиқ келтирди: Янги йил арафасида Польша пойтахтининг кўчаларида бирдан ўт ўлан кўкламдагидек кўкариб қолди. Илиқ кунлар давом этмоқда, термометр устуни 10 градусгача кўтарилмоқда.

Болалар бундай об-ҳаводан айниқса хурсанд. Пойтахтнинг Лазенки паркида эрталабдан қош қорайгунча болаларнинг шовқин-сурони тинмайди. Болалар сайр қилишмоқда, қумда ўйнашмоқда, олмахон ва парраидаларни боқишмоқда.

НЬЮ-ЙОРК. Об-ҳаво америкаликларга яна кутилмаган ҳодисалар келтирмоқда. Шу қиш Нью-Йорк одатдан ташқари иссиқ бўлди. Бу ерда ҳавонинг ҳарорати кейинги ярим аср мобайнида рекорд даражага—нолдан 18 градус юқорига кўтарилди. Мамлакат жанубидаги штатларда шаррос ёмғир қуйди, натижада Луизиана ва Миннесота штатларида дарёлар тошди. Айни маҳалда шимолда кўп қор ёғиб Миннесота ва бошқа қўшни штатлар йўлларидаги қатновни тўхтатиб қўйди.

* * *

АҚШнинг турли районларида шаррос ёмғир ёғди. Луизана, Орегон, Огайо, Шимолий Виржиния штатларида Миссисипи ва Миссури дарёлари тошди. Мингдан кўп киши шошилинч равишда кўчирилди. Дастлабки маълумотларга кўра табиий офат натижасида Колорадо штатида уч киши нобуд бўлган.

ЖАКАРТА. Индонезиянинг Флорес оролида Рихтер шкаласи бўйича 6,3 балл куч билан зилзила бўлди. Орол Индонезия пойтахтидан 1.660 километр шарқда жойлашган. «Синар ҳарапан» газетасининг ҳабар қилишича, табиий офат катта-катта ер сидирилишларини вужудга келтирган. Бунинг натижасида тўрт киши нобуд бўлган, 60 га яқин киши майиб бўлган. Маҳаллий маъмурлар икки мингдан кўп кишини фалокат юз берган райондан хавфсиз жойга кўчирдилар.

(ТАСС).

ГФР. Германия коммунистик партияси даъвати билан Эссенда ер юзида тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган оммавий митинг бўлиб ўтди. Унга ГКП раҳбарлари билан бирга ликда АҚШ Коммунистик партиясининг бош секретари Гэс Холл иштирок этди.

Суратда: ГКП раиси Г. Мис [ўртада] ва АҚШ Компартияси бош секретари Г. Холл [ўнгдан иккинчи] митинг президиумида.

ТАСС фотохроникаси.

«БУЛБУЛ» НАБИРАЛАРИ

Ўзбекистон халқ ҳофизлари

ШИРИН, ёқимли, салобатли овозлари ва моҳир ижролари билан элга танилган Бобохон ва Акмалхон Сўфихоновлар ҳофизликни ниҳоятда моҳирлик билан эгаллаган, бу касбни улуғлаб келган эъзозли санъаткорлардир.

— «Ҳофизлик — бизга ота мерос. Бу касб беш бобомиздан ўтиб келаяпти. Отамизнинг оталари Сотилдихон ҳофизни халқ севиб «Булбул» деб атаркан. Отамиз ҳам яхшигина ҳофиз бўлганлар. Бизга ҳамиша ҳофизлик санъатидан ва одобидан таълим бериб, санъатда покиза бўлинглар, агар шундай қилсаларингиз халқнинг ҳурматида бўласиз, — деб уқтирардилар, — дейди Акмалхон ака.

Дарҳақиқат, Бобохон ва Акмалхон акаларнинг отаси Сўфихон ҳофизни Туркистоннинг жуда кўп музофотларида шинавандалар яхши танишган. Кўп моҳир созанда ва хонандалар у кишини устоз деб билишган.

Сўфихон ака оиласида дунёга келган бўлажак ака-ука ҳофизлар Бобохон ва Акмалхонлар ўзлари туғилиб ўсган Сайрам районидаги Қорамурт қишлоғида донг таратдилар. Улар камолга етаётган хонадонга турли ҳофизлар ташриф буюришарди. Тошкентлик машҳур ҳофиз Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов уларнинг оталари билан жуда яқин ижодий санъат мулоқотида бўлган. 30-йилларнинг охирида Сўфихоновлар оиласи Тошкентга кўчиб келгач, ака-ука ҳофизлар ўзбек музикаси алломалари билан яқиндан танишдилар. Айниқса, Ўзбекистон радиосидаги илк фаолиятлари давомида ўзбек музикасининг дурдона асарларини ўрганиб, ажойиб санъаткорлар билан ёнма-ён ишладилар. Ўша йилларни Акмалхон ака қуйидагича эслайдилар:

— Мулла Тўйчи ака, Юнус ака, Ризқи ака, Имомжон ака, Мақсудхўжа Юсупов — бу кишиларнинг ҳаммаси бизларга устозлик қилишди. «Баёт», «Ушшоқ», «Сегоҳ», «Дугоҳ», «Чоргоҳ» каби халқимизнинг дурдона ашулаларини ўша устозлардан ўрганганмиз.

Халқнинг музика бойлигини билимдон устозлардан ўрганган Бобохон ва Акмалхон акалар бирга куйлашганда уларнинг овозлари бир-бирларига шундай уйғунлашиб кетардики, бу уларнинг жўрнавозлик санъатини мукаммал эгаллаганликларидан далолат эди. Шу хусусда сўз борса, Акмалхон ака мана бундай сўзлайдилар:

— Жўрнавозлик овозни бир-бирига жуда монанд қўшиб куйлаш ҳамда овози баланд бўлса авжини олиб кетишдан иборатдир. Жўрнавозлик шундайки, икки киши куйлаётганда гўё бир нафасда, бир оғиздан чиққандай, бир киши айтаётгандек шинавандада таассурот қолдириши керак. Акамнинг овозлари мендан баланд эди. Мен у кишидан бир парда, икки парда паст юрардим, акамга авжга етадиган жойини мен олиб берсам, акам авжига чиқиб кетардилар-да, сўнгра яна қўшиладиган жойида мен биргалашиб айтардимки, гўё бир нафасдек туюларди тингловчиларга. Уч хил шинаванда бўлар экан. Бир хил шинаванда фақат овознинг ўзини эшитадиган, сўзи билан иши йўқ. Яъни у овозга ишқивоз бўларкан. Иккинчи шинаванда эса ҳам музикага, ҳам овозга қулоқ соларкан. Учинчиси бўлса — ҳам музикага, ҳам сўзга, ҳам ижрога диққат билан қулоқ тутаркан.

Бобохон ва Акмалхон Сўфихоновлар мана шу учинчи хил шинавандани назарда тутиб, куйлашга интилардилар. Бу ҳофизларнинг санъати гўё заргарнинг маҳоратига таққос этгуликдир. Улар танлаган ашулаларнинг куйлари овоз билан сайқал топиб, гўё бир қуйилмадек шинаванда қалбига оқиб киради.

Ўзбекистонда машҳур бўлган хассос созанда, моҳир танбурчи Турғун Алиматов Бобохон ва Акмалхон Сўфихоновларнинг мухлисларидан биридир. У бу санъаткорларнинг маҳоратини жуда эъзозлаб тилга олади:

— Мен мухлис сифатида Сўфихоновларнинг ашулаларини 30 йилдан буён тинглаб келаман. Уларнинг ўзига хос ижро йўллари бор. Уларнинг ашуласини ҳозирги ёш ашулачилар ўрганиб айтаётган бўлса ҳам уни эшитган шинаванда — бу Сўфихоновларнинг йўли деб айтаолади. Негаки, уларнинг йўли ўзи алоҳида йўл. Бу — Сўфихоновларнинг йўли дейдиган даражада ном олишнинг ўзи ҳам кичкина иш эмас. Ака-укалар ўзларига хос ижродаги паузалари билан, услуб билан ўзбек халқи ичида шуҳрат қозонишди. Ҳозир ҳам уларнинг овозини халқимиз яхши кўриб эшитади. Уларнинг ашула йўлларидан таъсирланганим учунми, ҳофизлар ижросидаги «Насри сегоҳ» йўлларини танбурда соло қилиб чалганман. Уларнинг «Содирхон ушшоғи»ни ҳам ижро этиб юраман. Шу тилга олинган ашулаларни бошқа ижрочилар ҳам куйлашади, лекин бу ҳофизлардан олган таассуротим кучлироқ бўлган. Сўфихоновлар ашула ижро этишганида, «бировга маъқул қиламан» деб хаёлга ҳам келтиришмаган. Куйлаётган нарсаларини ўзлари яхши кўриб, юракдан чиқариб, ўша ашуланинг сўзларини халққа етказиб беришга интилишган.

Бобохон ва Акмалхон Сўфихоновлар халқ дурдоналари билан бир қаторда ўзбек бастакорлари яратган қўшиқларни ҳам халққа тақдим этиб келдилар. Ака-ука ҳофизларнинг музика санъатимиз ривожига қўшган ҳиссалари партия ва ҳукуматимиз томонидан юксак баҳоланди. Уларга «Ўзбекистон халқ ҳофизи» деган унвон берилди. Уларнинг халқ орасида севимли бўлиб кетгани ҳақида шу ҳофизлар билан ёнма-ён ишлаган Ўзбекистон халқ артисти, моҳир созанда ва композитор Дадаали Соатқулов бизга қуйидагиларни ҳикоя қилиб бердилар:

— 39—40-йиллар эди, мен устоз Юнус Ражабий бошчилигидаги Ўзбекистон радиосининг ансамблига ишга келган эдим. Биринчи марта Сўфихоновларни шу коллективда учратдим. Улар билан бирга радионинг концерт программаларида иштирок этардик, «Чормақом», «Шашмақом»ларни устозлардан ўрганардик. Мен ўз созим — най билан Сўфихоновлар айтган ашулаларга жўр бўлардим. Улар халқ куйларини, олти мақомнинг баъзи бўлакчаларини жуда чиройлик айтишарди. «Насруллои», «Шаҳнози гулёр», «Дугоҳ», «Чоргоҳ», «Чапандози баёт», «Ироқ» ва бошқа-бошқа ашулаларни жуда ширин ва бекаму-кўст айтишарди. Улар билан Тошкент Шимолий канали қурилишида, Комсомол кўли, Ғалаба боғи қурилишларида, Пушкин паркидаги халқ сайлларида бирга иштирок этардим. Халқ уларни ниҳоятда олқишлар билан кутиб олишарди. Улар жуда дили пок, пухта ва тоза ижрочи, ажойиб санъаткорларимиздандир. Улар халқ куйлари, чор мақом, шашмақомлардан ташқари композиторларимизнинг ҳам қўшиқларини ижро этишарди. Масалан, Юнус ака яратган қўшиқлар, Имомжон Икромов ва Ориф Қосимовнинг қўшиқлари халқимизга дастлаб шу ижрочилар орқали кириб борган.

Яхшиларнинг йўли ҳамиша давом этади, — деганларидек, севимли халқ ҳофизлари Бобохон ва Акмалхон Сўфихоновларнинг йўлидан кўпгина ёшлар баҳраманд бўлишмоқда. Уларнинг фарзандлари ва набиралари ҳам санъат ишқивозларидир.

Ўз санъаткорлик фаолиятини Улуғ Октябрь инқилобидан илгари бошлаган халқ ҳофизлари Сўфихоновларнинг санъати бизнинг замонамизда камолга етди. Улар эл ҳурматига сазовор бўлдилар, фароғатли кунларга эришдилар. Мана бугунги кунда Акмалхон ака ували-жували ва бахтли-саодатли оила бошлиғи бўлиб ҳаёт кечирмоқда. У ҳофизлик санъатини эъзозлаган, мартабасини улуғлаган партия ва ҳукуматимиздан, давру давронамиздан беҳад миннатдордир.

Зулфия ОБИДОВА.

Суратда: ака-ука Сўфихоновлар.

ТОШКЕНТ ТЕАТРЛАРИДА

«ҚИЁФАЛАР ЁКИ ЗАНЖИР»

МУҚИМИЙ номидаги ўзбек давлат музикали театри коллективи таниқли озарбайжон драматурги Анорнинг «Занжир» пьесаси асосида саҳналаштирилган «Қиёфалар ёки занжир» номли музикали комедияни томошабинлар эътиборига ҳавола қилди. Пьесани шоир ва драматург Ҳайдар Муҳаммад таржима қилган ва қўшиқлар текстини ёзган бўлиб, уни режиссёр Н. Саидхонов саҳналаштирди. Республикада хизмат кўрсатган артист Э. Тошматов оркестрга дирижёрлик қилиб, саҳна безакларини А. Жибоедов ишлаган.

Асарнинг бош қаҳрамони Аваз (артист А. Мамарасулов) содда, софдил, ҳақгўй, виждонли йигит. У ҳаммани ҳам ўзидек деб билади. Воқеа Авазнинг дўсти Мамет (Ш. Рўзнохунов)дан соатнинг неча бўлганлигини сўраш билан бошланади. Мамет «Холамга телефон қилмоқчи эдим: икки тийин бергин, кейин неча бўлганлигини билиб оласан», дейди. Аваз икки тийин излашга тушади ва ўртоғи Аҳмад — (С. Қурбонов)га боради. Аҳмад эса «Кинотеатрга янги ҳинд фильми келибди, кассир сенинг танишинг деб эшитдим, билет обергин» дейди. Кассир ўз навбатида укасининг иш излаб юргани ва унинг таксопаркка ишга жойлашишига ёрдам беришни сўрайди.

Иш келиб райисполком раиси Камол Камолович — (С. Раҳимжонов)га тақалади. К. Камоловичнинг олдига кириш ниҳоятда қийин бўлганлиги сабабли, қорни очиб ҳориган Аваз бир қўлида қоғозга ўроглиқ бўғирсоқ, бир қўлида ариза, дераза орқали раис ҳузурига кириб боради. Авазнинг қўлида қоғозга ўралган нарсани кўрган К. Камолович такаллуф билан сўрайди: «Хўш, азамат, сизга нима керак? Уй! Неча хоналик? Уч-тўрт хонали! Демак, етти хоналик, денг. Оббо, сиз-ей! Мана, қоғоз-қалам, ёзинг!»

Резолюция қўймоқчи бўлган К. Камолович Авазнинг қоғозини очиб, бемалол бўғирсоқни оғзига солганини кўриб, бирдан ранги ўзгаради. Пора деб ўйлагани бўғирсоқ эканлигини кўриб таққа тўхтайди ва бирдан вақтни сўрайди. Аваз эса яна соат излашга тушади...

Ижодий коллектив пьесани музикали комедияга айлантириш учун қаҳрамонлар образини «қиёфалар»га айлантириб, «томоша ичида томоша» усулидан усталик билан фойдаланган. Бундан мақсад сатирик тил билан қаҳрамонларнинг ҳақиқий башарасини очиш, томошабинларга ҳаётимизда баъзан учраб турадиган, енгил ҳаёт кечириб, ҳар хил эгри йўллар билан бойлик орттирадиган; мол дунё деб муҳаббати, имони, ҳатто иффатини ҳам сотиб юборадиган, пул ва буюм учун ҳар қандай жирканч ишдан қайтмайдиган, қингир йўллар билан амалдорлик курсисига чиқиб олиб, «сиздан угина— биздан бугина» қабилида иш тутувчи, қабулига кирган кишидан бирор нарса унармикин деган илинжда кўзларини лўқ қилиб қараб турувчи баъзи бир порахўрлардан эҳтиёт бўлинг, дейилмоқчи.

Спектаклда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар С. Пўлатов (таксопарк директори Содиқ) ва М. Ихтиёрова (Фарида), республика Ленин комсомоли мукофоти лауреати М. Каримова (Салима)лар ҳам ўз ролларини маҳорат билан ижро этишган.

А. ТИЛОВОВ.

ЮРГАН ДАРЕ

САМОЛЁТДА САФАРГА

Мамлакатимиз юбилейи шарафига уюштирилган социалистик мусобақада энг яхши натижаларга эришган Тошкент ГРЭСининг 30 нафар ишчиси янги йил арафасида имтиёзли йўлланмалар билан самолётда сафарга отландилар. Улар янги йилда Волгоградда бўладилар. Қаҳрамон шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишадилар. «Строймеханизация» бошқармасининг қурилиш тресги ишчилари, саноат граждан қурилиш трестига қарашли автобаза шофёрлари, Киров район маорифчилари ҳам ана шундай сафарга отландилар.

Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюроси саёҳат ишқибозларининг талаб ва истакларини ўрганиб бир қатор қизиқарли маршрутлар очди.

—Туристик самолётда сафарга чиқиш жуда ҳам мароқли, — дейди бюро бўлим мудири Тамара Назарова. —Саёҳат давомида туристларга барча имкониятлар яратиб берилади. Маршрутлар аксарият ҳолларда дам олиш ва байрам кунларига тўғри келади. Бу эса иш вақтидан самарали фойдаланиш имконини беради.

Шу кунларда Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюроси самолётида сафарга отланишга иштиёқманд бўлганлар учун Иттифоқимизнинг йирик шаҳарлари, иттифоқдош республикалар пойтахтлари бўйлаб 15 хил маршрутни таклиф қилмоқда. Йўлланмаларни нақд пулга ёки пул ўтказиш йўли билан сотиб олиш мумкин. Йўлкира, яшаш, овқатланиш, экскурсия хизмати ҳам йўлланма баҳосига киради.

М. ЗАРИПОВ.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

«ДАШТДАГИ ҚИШЛОҚЧА»

Мазкур роман ёзувчи В. Катаевнинг ёш китобхонлар орасида машҳур бўлган «Оқариб кўринар ёлғиз елкан» асарининг давомидир. Ҳар иккала китобда ҳам Октябрь ғалабаси арафасидаги революцион воқеалар нафаси уфуриб туради. Асарни таржимон Эркин Миробидов ўзбек тилига ағдарган.

«СИБИРЛИКЛАР ЛЕНИН ҲУЗУРИДА»

Таниқли совет ёзувчиси Г. Марков ўзининг ушбу китобида сибирлик партизанлар Матвей Строгов, Филипп амаки ва бошқаларнинг Москва сафари тарихини мароқли ҳикоя қилиб берган. Рассом Равил Халилов китобчани чиройли расмлар билан безаган.

«ЛЕНИНЧИЛАРМИЗ»

Ушбу китобча муаллифи Ҳамидулла Ёқубов сўнгги пайтларда Қарши, Жиззах чўлларини ўзлаштираётган комсомол-ёшлар ҳузурида бир неча бор бўлиб қайтди. Тўпламга кирган шеърлар ана шу сафарлар давомида дунёга келган.

«ЖЎНАТАМАН ҚУЁШНИ»

Болаларнинг севимли ёзувчиси Турсунбой Адашбоевнинг янги китоби ана шундай деб номланган. Унга шоирнинг кейинги йилларда ёзган енгил юморга бой шеърлари, баллада ва достони киритилган.

«МЕНИНГ БАРОҚ МУШУКЧАМ»

«Авторнинг биринчи китоби» сериясида чоп этилган ушбу китоб ҳам болаларга бағишланган. Ҳусанжон Аминовнинг шеърлари равон ва ўқимишлилиги, ихчам ва рангбаранглиги билан ажралиб туради.

«ДУШАН ҚАЙСАРНИНГ КЎРГАН КЕЧИРГАНЛАРИ»

Темир Пўлатовнинг «Мулк», «Таъсирчан — Алишо», «Қаипнинг иккинчи саёҳати», «Ўрмонга чорла мени» асарлари кенг китобхон оммасига яхши таниш. Муаллиф янги асарида роман қаҳрамони Душаннинг ҳаётида юз берган турли воқеа ва ходисалар орқали унинг жисмонан улғайишини, мустақил шахс сифатида маънавий қиёфа касб этиб, камол топишини қизиқарли ҳикоя қилади.

Ушбу китоблар Янги йил арафасида «Ёш гвардия» нашриётида босмадан чиқди.

ЯНГИ ЙИЛ КЕЧАСИДА

(ҲИКОЯ)

БУ ВОҚЕАГА кўп бўлгани йўқ. Ҳа, ўша тасодифий учрашув янги йилга ўтар кечаси юз берганди. Биз ойим билан Бешкентга, қариндошларникига кетаётгандик. Буни қарангки, бошқа станцияга тушиб қолибмиз. Бу ердан Қаршига, кейин эса Бешкентга боришимиз керак эди. Кўп кутдик, аммо на машина, на автобус, на поездан дарак бўлди. Ҳароратсиз қуёш ҳам астагина ётоғига бош қўймоқда. Қиш фасли эмасми аччиқ изғирин юзимизни чимчилайди. Шу пайт биз билан бирга машина кутиб турган хушбичим йигит:

— Меҳмонлар, сизларга йўл бўлсин? — деди мулойимлик билан.

— Бешкентга бормоқчи эдик, — деб жавоб берди ойим.

— Вой-бўй, манзилларинг ҳали узоқ экан. Энди етолмайсизлар, кеч бўлди. Қаршига автобус бўлмаса керак. Ундан кўра, юринглар, бизникида биргалашиб янги йилни кутамиз. «Одам-одамга азиз», дейдилар. Уйимиз узоқ эмас, уч километрча келади. Машина бўлмаса, пиёда борсак ҳам бўлаверади.

Биз кўндик, чунки бошқа иложимиз йўқ эди. Йигит келаётган машинага қўл кўтарди. Машина ёнимизга келиб тўхтади, биз кузовга чиқиб олдик.

— Танишайлик: исмим — Рустам, отамнинг исми — Равшан. Айтишларича, отам ҳам Бешкентдан бўладилар, — деди йигит.

Қишлоққа етганча у билан гаплашиб бордик. Ҳовлига кирганимизда:

— Ота, бу ёққа чиқинг, меҳмонлар келди, — деди Рустам. Ичкари уйдан 50—55 ёшлар чамасидаги киши чиқиб биз билан қуюқ сўрашди.

— Булар — йўловчилар, дада. Машина кутиб туришган экан, энди кеч қолдинглар, деб бошлаб келдим. Яхшилик-яхши-да — деди Рустам ва бизни очиқ кўнгиллик билан ичкарига бошлади.

Биз Рустамнинг ота-онаси, укалари билан сўрашдик. Оиладагиларнинг ҳаммаси ҳам яхши одамлар экан, самимий кутиб олишди. Анча гаплашиб ўтирдик. Бир оздан кейин Рустамнинг отаси менинг бошимни силаб:

— Йўл бўлсин, йигитча, манзил узоқми? — деди мулойимлик билан.

— Тошкентдан келаяпмиз. Бешкентга, қариндошларникига кетаётган эдик,— жавоб берди ойим менинг ўрнимга.

— Ўзингиз асли бешкентликмисиз?

— Ҳа, мен ўша ерда туғилганман. Ота-онам ҳам ўша жойдан. Бехосдан бошланган уруш кўплар қатори бизнинг ҳам хонадонга қайғу келтирди. Отам урушнинг биринчи кунлариданоқ фронтга кетди. Шу кетганича қайтиб келмади. Ундан «қорахат» олдик. Отамнинг фироқи ва очарчилик ташвиши билан онам оғир касалликка чалиниб вафот этди. Ҳам отадан, ҳам онадан ажралиб етим қолдик. Мен аммамнинг қўлида ўсдим. Ўн ёшли акам ўз кунимни ўзим кўрай, деб уйдан чиқиб кетди. Биз аммам билан Тошкентга кўчиб кетдик. Мана, шунга ҳам роса ўттиз икки йил бўлибди.

Шунда бояги киши:

— Акангизнинг исми ким эди? — деб сўради ҳаяжон аралаш.

— Равшан.

— Равшан! Сиз — Санобар эмасмисиз! Отангиз — Усмон, онангизнинг исми — Зебо эмасми? — Бу гаплар шундай титроқ ва ҳаяжон билан айтилдики, мен ҳатто чўчиб тушдим.

— Ҳа, ҳа, сиз қаердан биласиз? — деб сўради ойим ҳайрон бўлиб.

— Ҳайрият сени ҳам кўрадиган кун бор экан, синглим! Мен ўша йўқотган аканг бўламан! — деб йиғлаб юборди.

Шу пайт ойим:

— Ака! Акажон, сиз тирик экансиз-да! — деб ўзини унинг бағрига отди. Тоғам тинмай: «Синглим, Санобарим, гавҳарим, қаерларда эдинг?», деб титроқ қўллари билан ойимнинг пешонасини силарди. Ойим эса йиғидан тўхтамасдилар. Тоғам мен билан ҳам қайта кўришдилар...

— Уйдан чиқиб кетганимдан сўнг, — ҳикоя қила бошлади тоғам, — аввал Қаршида бўлдим. У ерда Раҳим деган киши менга кўп яхшиликлар қилди. Ўша кишининг ёрдамида Бухородаги, сал ўтмай Тошкентдаги болалар уйига жойлашдим. Хуллас, менга Тошкентда бахт кулиб боқди. У ерда ўрта мактабни, сўнг институтни тугатдим. Сени кўп қидирдим, аммо дарагинг топилмади. Мана, синглим тақдир экан: ёнимдасан. Мен севинмай ким севинсин, ахир?!...

Тоғам ҳозир завод директори экан. Унинг тўнғич фарзанди — Рустам институтни битириб, инженерлик касбини эгаллабди. Турмушлари соз ва фаровон экан. Шундай қилиб, янги йил кечаси рўй берган тасодифан учрашув ўта хурсандчилик билан ўтди. Эртаси куни тоғамнинг енгил машиналарида у киши билан бирга Тошкентга қараб йўл олдик...

Анвар ҚУРБОНОВ.

«ЁШ ГВАРДИЯ»ЧИЛАР ИЗЛАНИШДА

ЎЗБЕК Давлат «Ёш гвардия» театрининг аҳил коллективи СССРнинг 60 йиллик юбилейини ижод ва меҳнатда арзирли совғалар билан қарши олдилар.

Ўтган давр ичида театр репертуари нафақат маҳаллий авторлар, балки Иттифоқ миқёсида эътибор қозонган саҳна асарлари билан бойиди. Ёш ижрочилар юбилейга бағишланган мураккаб ва масъулиятли асарларни саҳнага қўйишди. Энг қувончлиси шундаки, улар доҳий Лениннинг студентлик йилларидаги образини яратишдек шарафга муяссар бўлишди. Татар драматурги Диёс Валиевнинг «Қозон университети» («Муқаддима») деб номланган бу спектаклидаги В. Ульянов образини талантли артист Қ. Мирҳодиев қалб ҳарорати билан ижро этди. Спектаклни истеъдодли режиссёр Рустам Бобохонов саҳналаштирди. Шунингдек, Улуғ Ватан уруши воқеаларига бағишланган «Ҳур қизлар» спектакли ҳам томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Борис Васильевнинг бу асарини театрнинг бош режиссёри Ҳабибулла Файзиев саҳнага қўйди.

Булардан ташқари театр репертуарини бойитиб турган қатор спектакллар—М. Гельманнинг «Мукофот», М. Каримовнинг қишлоқ комсомоллари ҳаётига бағишланган «Интилганга толе ёр» («Райком секретари»), М. Бобоевнинг «Ер томири» спектакллари ҳам шонли Иттифоқимизнинг 60 йиллигига бағишлангандир.

Театр коллективининг кўпдан кутган орзуси рўёбга чиқди. «Ёш гвардия» номини эъзозлаб келаётган ёш санъаткорлар юбилей арафасида А. Фадеевнинг «Ёш гвардия» романи асосида спектакль тайёрладилар. Асарни ёш истеъдодли режиссёр Наби Абдураҳмонов саҳнага қўйди.

Ижодий камолот сари интилаётган коллективнинг келгуси режалари катта. Улар жонажон республикамизнинг 60 йиллиги, Тошкентнинг 2000 йиллигига бағишланган қатор спектаклларни саҳнага қўйиш учун пухта тараддуд кўрмоқдалар.

Ўзбекистон ССРнинг 60 йиллиги муносабати билан драматург Сарвар Азимовнинг «Кўзлари чўлпон», Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» асарлари ва бошқа қатор спектаклларни саҳналаштириш театрнинг келгуси йил планига киритилган.

Ф. УСМОНОВА.

Янги йил шодиёналарини ўрмон маликаси — арчасиз тасаввур қилиш қийин. Байрам арафасида минглаб хонадонларда, корхона ва ташкилотларда Янги йил элчиси — арча ясатилди. Унинг атрофи қувноқ болаларнинг севимли масканига айланган.

Суратда: 1-Май кўчасида ўрнатилган арча.

В. Портнов фотоси.

СПОРТ

«ПАХТАКОР»НИНГ ЎЙИНЛАРИ

СССР футбол федерацияси 1983 йилги чемпионат календарини тасдиқлади. Футбол мухлисларига «Пахтакор»нинг янги мавсумдаги I давра ўйинлари календарини ҳавола қиламиз.

26 март. «Пахтакор» — «Жальгирис».

30 март. «Пахтакор» — «Динамо» (Минск).

4 апрель. «Шахтёр» — «Пахтакор».

8 апрель. «Днепр» — «Пахтакор».

16 апрель. «Пахтакор» — «Нистру».

19 апрель. «Пахтакор» — «Черноморец».

29 апрель. «Спартак» — «Пахтакор».

2 май. «Динамо» (Москва) — «Пахтакор».

13 май. «Зенит» — «Пахтакор».

4 июнь. «Пахтакор» — «Динамо» (Тбилиси).

7 июнь. «Пахтакор» — «Нефтчи».

12 июнь. «Арарат» — «Пахтакор».

15 июнь. «Торпедо» (Кутаиси) — «Пахтакор».

23 июнь. «Пахтакор» — «Динамо» (Киев).

26 июнь. «Пахтакор» — «Металлист».

1 июль. «Торпедо» (Москва) — «Пахтакор».

4 июль. ЦСКА — «Пахтакор».

Редактор Н. НАСИМОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40—Илмий-оммабоп фильм. 10.10 — Халқаро конкурслар лауреати Л. Тимофеева Ф. Листнинг фортепьяно асарларини ижро этади. 10.20 — Ералаш. 10.55 — Архитектура ва театр. 11.40 — Мультфильмлар. 12.55 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 13.45 — Хазиналар ороли. Бадиий фильм. 1-серия. 14.55 — Янгиликлар. 15.05 — Қувноқ ноталар. 16.15 — Рус музейи. 16.45 — Афсунгарлар. Бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Хоккей бўйича халқаро учрашув. «Квебек нордикс» — СССР. 21.30 — Время. 22.05— Ҳужжатли фильм. 22.30 — Қадимий рус романслари ва вальслари. 23.35 — Муз устида бал. 00.40 — Ҳужжатли фильм. 00.50 — Янги йилингиз билан ўртоқлар! Совет халқига табрик. 01.05 — «Голубой огонёк»нинг Янги йил сони. 04.05 — Рақслар, рақслар, рақслар... 05.05 — Эстрада куйлари ва оҳанглари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Пакет. Бадиий фильм. 10.25 — Фильм-концерт. 10.55—Ҳужжатли фильмлар. 11.35 — Сизни қизиқтирган адабиётлар. 12.20 — Концерт. 13.10 — Мультфильмлар премьераси. 13.30—Мангуликка айланган лаҳзалар. Телеочерк. 14.00 — Уфқ. 15.00 — Киносаёҳатчилар клуби. 16.00 — Мультфильм. 16.20— Русская зима санъат фестивали. 17.30 — Қишлоқ янгиликлари. 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Мультфильм. 19.00 — Музикали киоск. 19.30 — Театр афишаси олдида. 20.30— Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Здоровье. 21.30 — Время. 22.05 — Эҳ, водевиль, водевиль. Бадиий фильм. 23.10 — Ҳужжатли фильм. 23.40 — Концерт. 00.40 — Ҳужжатли фильм. 00.50 — Янги йилингиз билан, ўртоқлар! Совет халқига табрик.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Қўғирчоқ фильм. 12.10 — Фильм-концерт. 12.40 — Боғанч. Бадиий фильм. 17.45 — Турлитуман карнавал. 18.45 — Мультипанорама. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Кино ҳаваскорларига янги йил совғаси. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Цирк! Цирк! Цирк! 21.30 — Время. 22.05 — Кириб келаётган Янги йилингиз билан! Катта байрам музикали программаси. 23.45 — Янги йил табриги. 00.05 — Катта байрам музикали программасининг давоми.

ТОШКЕНТ-II. 18.15 — Музикали фильм. 19.55 — Янгиликлар. 20.20 — Бензоколонка маликаси. Кинокомедия. 21.30 — Москва-II.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА —1/I да **Келинлар қўзғолони** (13.00), **Олтин девор** (19.30), 2/I да **Бой ила хизматчи** (12.00), **Гурунг** (19.30), 3/I да **Бой ила хизматчи** (12.00), **Ўн учинчи раис** (19.30).

«ЮБИЛЕЙ» СПОРТ САРОЙИДА — **«Сеҳрли кўл» Янги йил цирк томошалари** (10, 12, 14.00).

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари—335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат—325750. БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар—334048, 325354; партия турмуши—325778; пропаганда—325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир—325894.

Р. 07586. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64684. А. 1761.